

предметини редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик томонлари ташкил этади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Илмий ишнинг методологик асоси - усулиятини, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг илм-фан ва маориф ҳақидаги Қарорлари, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” орқали белгиланган вазифалар ҳамда фанни ривожлантиришга доир меъерий ҳужжатлар ташкил қилади. Шунингдек, О. Есперсон, А. М. Балли, Г. Кациоле, Э. Экхартдо, И. В. Арнолд ва тилшунос олимлар томонидан билдирилган илмий мушоҳадалар, лингвистик қарашларга асосланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Мазкур илмий иш кириш, уч боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлади.

Бобларнинг кискача таснифи:

Биринчи боб «Редупликация грамматик восита сифатида» деб номланиб, унда суз туркумлари редупликацияси ҳақида фикр юритилади.

Иккинчиси «Лексик редупликация» номли саҳифада редупликациянинг структурал-семантик томонлари, синтактик вазифаси киёсий таҳлил қилинади.

«Редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик моҳияти» номли учинчи бобида редупликациянинг стилистик, прагматик жихатлари урганилади.

Илмий раҳбар, ф.ф.н.,

доцент :

В. Воситов

(имзо)

Магистратура талабаси

Зияева К.

(имзо)

**THE MINISTRY OF THE HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ANDIZHAN STATE UNIVERSITY**

SUMMARY OF THE MAGISTRY DISSERTATION

The actuality of the research. The actuality of this work is reasoned by several points. This research is based on the linguo-stylistic and pragmatic essence of reduplication. The problem under discussion has almost entirely been more or less investigated in Uzbek and English languages separately. This makes the **actuality** of our research.

The subject and object of the research work is to investigate the essence of reduplication from the linguistic and stylistic as well as pragmatic point of view.

The purpose and problems of the research work is to analyse the linguo-stylistic and pragmatic essence of reduplication.

Scientific novelty of the work. The novelty of the work is seen in the following:

1. The linguo-stylistic and pragmatic essence of reduplication have been investigated.
2. New theoretical conclusions have been made in terms of semantics, stylistics and pragmatics of reduplication

Methodological base and methods of research work: In the process of doing the research work we used comparative method of analyzing the linguo-stylistic and pragmatic essence of reduplication. we use desitions of I.A.Karimov Prezident of Uzbekistan, and opinions and linguistic views of O. E.Jespersion, A.M.Ball, G.Kaciole, E.Ekhardt, I.V.Arnold

The theoretical and practical importance: Recommendations and advise received as a result of the research work is in the fact that they may be helpful in the process of theory of translation, on the practical and theoretical English grammar, for teaching English grammar on the basic of new methods of pedagogical technology.

The structure of the work: The dissertation consist of an introduction, three chapters, conclusions and the list of selected literature of academic and scientific character.

Supervisor: V.A.Vositov

Postgraduate: K.Z.Ziyaeva

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. Редупликация грамматик восита сифатида.	11
1.1. Инглиз ва ўзбек тилларида сўз туркумлари редупликацияси.	11
1.2. Турли тизимли тилларда редупликациянинг грамматик кўплик форма ясашдаги роли.	17
II БОБ. Турли тизимли тилларда лексик редупликация.	28
2.1. Редупликациянинг структурал-семантик таснифи.	28
2.2. Инглиз ва ўзбек тилларида тақлид, такрор сўзлардан ҳосил бўлган сўзлар редупликацияси.	40
III БОБ. Оғзаки ва ёзма нутқда редупликациянинг стилистик ва прагматик жиҳатлари.	45
3.1.. Сўзлашув нутқида редупликациянинг стилистик томони	45
3.2. Бадиий матнда редупликациянинг стилистик томони.	51
3.3. Редупликациянинг прагматик жиҳатлари.	69
Хулоса	75
Фойдаланилган адабиётлар	79

КИРИШ

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади инсон ва унинг манфаатлари, унинг ҳавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги қисқа вақт ичида босиб ўтган тараққиёт йўли асрларга арзигулик мазмун ва моҳият касб этмоқда.

“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.” [1,101].

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг таълим соҳасидаги олиб бораётган сиёсати, фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, илғор ўқитиш услубларини жорий этиш масаласига асосий эътиборини қаратганлиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги, ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 сонли фармонида ўз аксини топган. Давлатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Дунё кундан-кунга ўзгариб бормоқда. Замон эса, янгиликларни талаб этмоқда. Мамлакатлар жисмоний куч билан эмас, балки ақлий салоҳияти билан жаҳон аҳлини лол қолдиришга уринмоқда [3, 4]. Ахборот технологияларининг тезкорлиги ёрдамида дунё миқёсидаги янгиликлардан, кашфиётлардан, ихтиролардан, илмий-назарий тадқиқотлардан огоҳ бўлиб тураемиз. Шунинг назарда тутган ҳолда, Ватанимиз Ўзбекистон Республикасида

хам жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан бирига мисол қилиб, 2012 йил 16-17 феврал кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзuidaги халқаро конференцияни олайлик Мазкур анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этдилар. Унда қатнашган аъзолардан бири ҳисобланмиш, Германиянинг Бранденбург технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти президенти, профессор Эдгар Клозе ана шундай изоҳлайди:

“Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа вақт ичида таълим жабҳасида ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Буни биз ўзбекистонлик ёшларнинг юксак интеллектуал салоҳияти мисолида кўрдик. Қайд этиш жоизки, таълим тарбия – онг маҳсули, лекин айнаи вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.”

Дарҳақиқат, юксак билим буюк келажакнинг ибтидосидир [2, 76].

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти курмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларни яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир [1, 34]. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига

мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.[3] Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

-табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

-олий малакали илмий ва педогог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади; - кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

-мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясодир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.[3]

Буларнинг барчасига мамлакатимиздаги олий таълимнинг халқаро стандартларга мос бакалаврият ва магистратура тизимлари яратилгани, илмий ходимларни моддий-маънавий рағбатлантириш анча яхшиланганлиги туфайли эришилмоқда. “Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Ҳеч қайси давлат ёки мамлакатда Ўзбекистондаги каби илм-фан ва таълимга бўлган юксак эътибор кузатилмайди. Бунинг яққол далили сифатида Президентимиз Ислом

Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги сўзлаган нутқига диққатимизни қаратайлик:

“Қаранг, бугун болаларимиз ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлаб ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғаймоқда. Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган бундай авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасини ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.”[2,98]

Албатта бундай ютуққа эришиш ҳар бир илғорликка интилиб келаётган ёш авлоднинг орзуси ҳам фахридир. Дунё миқёсида тобора юқори ўринларни эгаллаб келаётган Ўзбекистон ёш авлоднинг билим салоҳиятига ишониб, уни янада такомиллаштириш учун жуда кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Улардан бири хорижий тилларнинг халқимизга мукамал ўргатиш мақсадида қилинган саъи-ҳаракатлардир. Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида шундай таъкидланади: “Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларига ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграцияланувига

йўналтирилган тизим яратилди. Замонавий педагог ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида бир қанча вазифалар белгиланди” [1, 109].

Мавзунинг долзарблиги. Ушбу диссертация “**Редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик моҳияти**”га бағишланади. Кўплаб тилшунос олимлар томонидан редупликация муаммолари устида изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бироқ унинг лингвостилистик ва прагматик томонлари халигача етарли асосга эга эмас. Ўзбек тилида ҳам редупликация семантик, назарий, лексик, грамматик ва стилистик асосларга кўра тадқиқ қилинмаганлиги унинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот объекти ва предмети, Илмий ишнинг объекти бўлиб инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликацияни ифодаловчи воситалар саналади, унинг предмети редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик томонлари ташкил этади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик томонларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Изланишнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- б) ҳозирги замон тилшунослигида редупликацияга турли ёндашувлар ва уларнинг асосларини ўрганиш;
- 7) редупликациянинг грамматик томонини тадқиққилиш;
- 8) редупликациянинг структурал, семантик ва синтактик жиҳатдан таҳлил қилиш;

9) редупликациянинг инглиз ва ўзбек тилларида сўз яшашдаги аҳамиятини ўрганиш;

10) унинг лингвостилистик ва прагматик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот янгилиги. Редупликация мавзуси борасида турли тизимли тилларга мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тиллари орасида биринчи бор тадқиқ қилиниши унинг янгилигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари бу редупликациянинг инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик ва лексик тузилиши, стилистик ҳамда прагматик таҳлили. Тадқиқотнинг фаразлари – турли тизимли тилларга мансуб бўлган инглиз тилида редупликациянинг универсаллиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Илмий ишнинг методологик асоси - усулиятини, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг илм-фан ва маориф ҳақидаги Қарорлари, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” орқали белгиланган вазифалар ҳамда фанни ривожлантиришга доир меъёрий ҳужжатлар ташкил қилади. Шунингдек, О. Жесперсон, А. М. Балли, Г. Кациоле, Э. Экхартдо, И. В. Арнольд, А. Ҳожиев, С. Абдурахмонов каби тилшунос олимлар томонидан билдирилган илмий мушоҳадалар, лингвистик қарашларга асосланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик моҳиятини таҳлил қилиш учун қиёсий метод танланди.

Назарий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида редупликациянинг инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик, лексик томонлари ҳамда стилистик, прагматик жиҳатлари таҳлил қилинади.

Амалий аҳамияти. Изланиш натижаларидан таълим муассасаларида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Мазкур илмий иш кириш қисми, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб «Редупликация грамматик восита сифатида» деб номланиб, унда сўз туркумлари редупликацияси ҳақида фикр юритилади.

Иккинчи «Лексик редупликация» номли бобда редупликациянинг структурал-семантик томонлари, синтактик вазифаси қиёсий таҳлил қилинади.

«Редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик моҳияти» номли учинчи бобда редупликациянинг стилистик, прагматик жиҳатлари ўрганилади

I БОБ.РЕДУПЛИКАЦИЯ ГРАММАТИК ВОСИТА СИФАТИДА

1.1. Инглиз ва ўзбек тилларида сўз туркумлари редупликацияси.

Редупликация замонавий тиллардаги грамматик восита сифатида кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини тортади.

Турк тилларида редупликация анча кўп тадқиқ қилинган. Айниқса, лексик-грамматик жиҳатдан от, сифат, сон, феъл, олмош сўз туркумларидаги товуш тақлидлари ва бошқалар таҳлил қилинган. Турк тиллари оиласига мансуб бўлган ўзбек тилида ҳам редупликация кўп учрайди [12, 44].

От сўз туркумидаги такрорлар миқдорни англатувчи умумий категория бўлиб, мураккаб тўлиқ маънога, турли семантик кўринишга, яъни ноаниқ миқдордаги вақт, предмет, фикр ва бошқаларга эга, улар предметларнинг улкан ноаниқ кўплик тасвирidir. Бу туркумга тегишли бўлган редупликация кўпликни умумлаштиручи вазифасини ҳам бажаради.

От сўз туркумига оид редупликация семантиканинг прагматик аспекти сифатида характерланади. Сабаби унда кўликдаги предметларнинг фақат интеллектуаллик эмас, шунга қўшимча субъектив-эмоционалликни сибатлари ҳам намоён бўлади [16, 156].

Феъл сўз туркумига оид сўзлардан ташкил топган редупликация – умумий семантикада, катта ноаниқ ҳаракат миқдорини, ноаниқ миқдордаги вақтни ва шу вақт ичида содир бўладиган ноаниқ миқдордаги ҳодисаларни, камайтиришни, кўпайтиришни, объект ёки субъектнинг ҳаракат миқдорини белгилаб беради. Бу турдаги редупликатлар ўз таркибига тўлиқ шаклга эга бўлмаган феълларни олади, аммо улар маълум бир ҳаракатни ифодалайди. Такрорланишнинг бундай ҳодисаси интеллектуал-эмоционал жараёнда ҳосил бўлади [15, 74].

Редупликациянинг равиш сўз туркуми билан ишлатилиши ҳаракатнинг кўликдаги маъносини билдиради. Улар ноаниқ миқдордаги ҳаракатлар ва бу ҳаракатларни бажарувчи субъектлардир. Аммо бу турга кирувчи сўзлар гуруҳи бирмунча чекланган [16, 124].

Тадқиқотчиларнинг фикрларидан келиб чиқиб, турк тилларига мансуб бўлмиш ўзбек тилидаги редуликатларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

- Иккала сўз ҳам мустақил маънога эга ва улар бир-бирига синоним сифатида боғланган, масалан: дўст-биродар, ошна-оғайни;
- Юқоридаги сўзларга ўхшаб синоним ва иккиси ҳам мустақил маънога эга, аммо бири иккинчисини тўлдириб келади, маслан: тоғу тош, қир-адир;
- Бу такрорлар умуман юқоридаги сўзлардан фарқ қилади, бунда, асосан, биринчи сўз маънога эга бўлиб, иккинчи сўз шунчаки унинг акс-садоси сифатида иштирок этади: чой-пой, нон-пон, туз-пуз;
- Бундан ташқари антоним такрорлар ҳам мавжуд, масалан: кун-тун, оқ-қора, баланд-паст ва бошқалар [40, 77].

Инглиз тилидаги тўлиқ такрорларнинг аксариятида от сўз туркумига мансуб бўлган сўзлар ташкил этади. Ўзбек тилида эса, товуш тақлидларига мансуб бўлган сўзлар такрорларини кўпроқ учратамиз. Бунинг боиси, турк халқи хис-туйғуга берилувчан бўлиб, ўз хисларини тушунтириш учун товуш тақлидларидан жуда кўп фойдаланади [33, 65].

Ўзбек тилида кўплик формасини фақат грамматик, яъни –лар кўшимчасини қўшиш билангина эмас, балки лексик усул билан ҳам кўплик ва бирлаштирувчи маъноларни хосил қилиш мумкин. Ўзбек тилида редуликациянинг бир қанча турлари мавжуд.

Инглиз тилида эса, редуликация қуйидагича таснифланади [34, 109].

1. Биринчи сўзнинг тўлиқ такрори: аye-аye, gee-gee.
2. Биринчи сўзнинг қисман такрори: brain-drain, hanky-panky.
3. Унлилар кетма-кетлиги: fiddle-faddle, shilly-shally.
4. Иккинчи сўзга ундош қўшилиши орқали: argy-bargy, arty-farty.
5. Ундошнинг биринчи сўзга қўшилиши: swing-wing.
6. Боғловчи сўз ёки предлог қўшилиши орқали: step by step, face to face [27, 99].

Редупликация фақат тилшуносликда ёки оғзаки нутқдаги сўз ўйинларида эмас, тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам кенг қўлланилади. Айниқса, маҳсулотларни тарғиб қилишда редупликация ўзгача оҳанг беришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан: coca-cola, kitkat, tic-tac. Такрорларнинг бундай қўлланилиши маҳсулот номини эслаб қолишга ва бозорда харидор эътиборини жалб этишга ёрдам беради.

Редупликациянинг ҳажми ифода этувчи тури, ноаниқ ҳажмга эга бўлган предметларни билдиради. Унинг турли кўринишлари мавжуд:

- предметнинг ўз ноаниқ ҳажми;
- ноаниқ ҳажмга эга предметнинг эгаллаган жойи;
- бирор воқеа-ходисани ўз ичига олган ноаниқ вақт давомийлиги;
- маълум вақт ичида ходисаларнинг доимий содир этилиши [8, 97].

Бу такрорлар отнинг ноаниқ семантикасини ҳосил қилади, яъни мавхумликни акс эттиради. Шунингдек, феъл такрори ҳаракат содир этиладиган вақтнинг миқдорини аниқлашда ҳам ёрдам беради. Шунинг учун улар ўзининг ҳаракатни ифодаловчи мустақил маъносини йўқотади. Асосий семантик кўринишли такрорлар бу тўлиқ феъл такрорларидир.

Даражани билдирувчи редупликация гуруҳига сифат сўз туркуми, равиш, сифатнинг қиёсий даражаси, феъл сўз туркумини қамраб олган сўзлар киради [13, 99].

Сифат ва равиш сўз туркумининг сифат-миқдор ёки сифат семантикаси белгининг юқори даражасини англатади. Бунда кенглик, вақт, овоз, инсон ёки табиатнинг ҳолати, ранг каби тушунчаларни ажратамиз [13, 176].

Даража билан боғлиқ феъл такрори икки хил семантик мазмун беради, улар ҳаракат бажарилишининг юқори даражаси ва ҳаракат бажарилишининг секин-аста ўсиб бориш даражасидир.

Матндаги алоҳида ўрни ва кучи билан редупликациянинг нотўлиқ феъл шакллари муҳим аҳамиятга эга. Бунда прагматик мазмунни ифодаловчи сўзларнинг кўчма маъноларини кузатамиз. Бундай феъл редупликацияси ўзининг асосий вазифасидан узоқлашади. Шундай қилиб, лексик-грамматик

такрор реалликни тасвирлаши, миқдор, ҳажм, даража хусусиятлари билан ажралиб туради [5, 89].

Бизнинг фикримизча, редупликация мустақил сўз ясовчи сифатида характерланади ва қўлланиш кўрсаткичининг юқорилиги ҳамда сўзлашувдаги хис-туйғуларни ифодалаш билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан редупликатлар табиатининг фақат шу томони қизиқ бўлиб қолмай, балки унинг нутқни турли кўринишларидаги эгаллайдиган ўрни ахамиятга моликдир. Редупликация сўз яшашнинг сермахсул тури ҳисобланиб, оғзаки ҳамда ёзма нутқда ўзига хос тарзда ўз ифодасини топади. Демак, редупликация барча тилларда, турли системали ўзбек ва инглиз тилларида умумийликка эга [28, 77]. Таъкидлаб ўтганимиздек, редупликация барча тилларга хос. Икки тилнинг тузилиш структураларини ҳисобга олган ҳолда, редупликациянинг улардаги ўхшаш томонлари ва фарқларини ўрганамиз. Фақат шу асосда тил таркибидаги ва тиллар орасидаги сўз яшашнинг ривожланиш қонуниятларини изохлаймиз. Редупликация турли тилларда турлича номланишга эга. Масалан, жуфт сўзлар, такрорланувчи сўзлар, repetition, reiteration, gemination, rime words, ablaut words ва бошқалар. А. Ҳожиёвнинг фикрига кўра редупликация тизими нафақат замонавий ўзбек тилига, балки барча турк тиллари оиласига хосдир. Ўзбек тилида редупликация жуфт сўз, кўшма сўз, такрорий ва бошқа атамалар билан таърифланади [16, 43].

Ўзбек тилида редупликация морфологик ва семантик белгиларига қараб таснифланади. Инглиз тилида эса, сўзларнинг морфологик ўзгаришлари ҳисобга олинади.

Редупликация грамматик жиҳатдан камроқ тадқиқ қилинади. Вахоланки, грамматик восита сифатида редупликация қўшимча олиши билан, ички флексия, тузилиш, ёрдамчи сўзлари ва бошқа хусусиятлари билан муҳим грамматик ахамиятга эга. Тадқиқотчилар аксарият ҳолларда редупликацияни семантик такрорлар билан таққослайдилар. Унинг бундай ўрганилишига сабаб кучли грамматиклашганидир. Тиллардаги

жуфтликларнинг хосил бўлиши такрорланишларни келтириб чиқаради. Бундай дейиш баъзида хатоликларн келтириб чиқариши мумкин, аммо у жиддий типологик танловни тақдим этади. Ёзма, оғзаки, расмий, норасмий ва барча нутқ турларида ўзига хос аҳамиятга эга. Бу каби саволлар уни чуқурроқ ва изчил таҳлил қилишга ундайди. Унда мустақил сўзлар иштирок этади, аммо редупликация ходисаси ундан бирмунча фарқли. 70-чи йилларда ғарбда редупликация мавзусига доир анча тадқиқотлар яратилди. Бунга сабаб унинг табиий амалий морфологик ходисалигидир. Шунингдек, редупликация морфологик шакллар орасида ўзига яраша мураккабликка эга бўлган ходисадир, бироқ қадимги тилшуносликда редупликация арзирли қонуниятга эга бўлмаган [16, 155].

Турли тил оилаларига мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларидаги редуликатларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Тўлик
- Нотўлик

Тўлик редуликатларга ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорланадиган сўзлар киради. Масалан ўзбек тилида: *баланд-баланд, хирмон-хирмон, узоқ-узоқ*. Инглиз тилида: *goody-goody, bye-bye, jaw-jaw* ва бошқалар [27, 44].

Нотўлик редупликация эса тўлик редупликациядан бирмунча мураккаброқ ҳодиса ҳисобланади. У сўздаги фонетик ёки морфемадаги ўзгаришдир. Масалан: *din- don* [29, 87].

Бу гуруҳлаш нафақат ўзбек ва инглиз тилларида балки бошқа тилларда ҳам фарқланади. Бундан ташқари редупликация қўшимчалар қўшилиши натижасида ҳам хосил қилинади. Булар префикс, инфикс ва суффиксларнинг ўзгаришидан келиб чиқадиган редупликациялар. Уларнинг инглиз тилида ўзига хос қуйидагича номланишлари мавжуд:

1. Initial reduplication, яъни бошланғич редупликация, бунда такрорий сўзга қўшимча қўшилади. Масалан: *mish-mash*. Ана шундай ҳолатни ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин. Оғзаки нутқда кўп учрайдиган: *маза-бемаза, нон-пон* бошқаларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

2. Final reduplication редуликатлар охирига қўшимча қўшиш билан хосил қилинади. Масалан: hugger-mugger.

3. Навбатдаги редуликация ҳар икки тилда ҳам учраши қийин бўлган internal reduplication, яъни сўз ўртасига қўшимча қўшиш билан хосил қилинадиган такрорий сўзлардир [33, 86].

Ҳинд-европа тилларида редуликация феъл шаклларида сон формасини ясашда ҳам ишлатилади.

Инглиз тилида редуликациянинг бир қанча грамматик турлари мавжуд. Улар қофияли, аниқ, харф ўзгариши билан хосил бўладиган редуликация, ҳамда shm қўшимчасини олувчи редуликатлардир. Қуйида уларга қисқача изоҳ бериб ўтамыз.

1. Ryming reduplication: hokey-pokey, razzle-dazzle, super-duper, boogie-woogie, teenie-weenie, walkie-talkie, hoity-toity, easy-peasy and others.

2. Exact reduplication: bye-bye, choo-choo, night-night, no-no, pee-pee

3. Ablaut reduplication: bric-a-brac, chit-chat, criss-cross, ding-dong, jibber-jabber, kitty-cat, knick-knack, pitter-patter, splish-splash, zig-zag, flim-flam. In the ablaut reduplications, the first vowel is almost always a high vowel, and the reduplicated ablaut variant of the vowel is a low vowel.

4. Shm reduplication can be used with most any word; e.g. baby-shmaby, cancer-shmancer and fancy-shmancy. This process is a feature of American English from Yiddish, starting among the American Jews of New York city, then the New York dialect and then the whole country [5, 112].

Редуликация гап бўлаги сифатида у ёки бу сўз туркумига мансублиги билан намоён бўлади. Масалан: от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш. Инглиз тилида редуликатларнинг кўпчилиги қисмини от, сифат, сон, олмош сўз туркумига кирувчи сўзлар ташкил қилади [8, 51].

От сўз туркумидаги редуликация. Ўзбек тилида ҳам от сўз туркумига мансуб редуликация жуда кўп учрайди. Уларнинг аксарияти қисми турдош отларга мансуб бўлиб, сўзлар такрорланганда кўплик маъносини беради. Масалан, *идиш-товоқ* сўзларини олайлик. Улар жуфтлик хосил

қилганда биргина нарсани эмас, балки ошхона анжомларини умумий ҳолда назарда тутеди. Худди шу каби *мева-чева* сўзлари, фақатгина бир турга мансуб мевани эмас, турли-туман мевалар маъносини ўз ичига олади [12, 136].

Сифат катнашган редуликатлар. Бу сўз туркумидан ясалган редуликатлар бирор предметни сифатлашда умумий белгилардан фойдаланади. Масалан бирор жумлани мисол қилиб олайлик.

“Ҳаётнинг оқ-қора ранглари” бу редуликация бир томондан бир турдаги сўз туркумига мансуб, уларни бир-бирига қарши сўзлар деб бўлмайди. Бироқ маъно жиҳатдан олиб қаралганда *оқ-қора* редуликати антоним сифатида қўлланиляпти. Бу “яхши-ёмон” редуликатига мос келади. Ушбу сўз такрори ҳам сифат маъносини англатсада, бошқа томондан караганда, антонимлардир. Шунингдек, антоним редуликация турига кўшимчали сўзларни киритишимиз мумкин. Масалан, *тўғри-нотўғри, текис-нотекис, маза-бемаза* ва бошқалар. Бу каби редуликатлар префиксли редуликатларга мисол бўла олади. Сифат сўз туркумида редуликациянинг яна бошқа турини учратамиз. Бу сифатларнинг бош бўғинига *n* ва *m* ҳарфини кўшилиши билан ҳосил бўлади. Масалан, *ям-яшил, кўм-кўк, қоп-қора, сап-сарик* ва бошқалар. Бундай такрорий сўзлар сифатнинг маъносини кучайтириб беради.

Сон сўз туркумида ҳам редуликация ҳодисасини кузатамиз. Редуликатларнинг аксарият қисми бу сўз туркумида санок сонни ташкил этади. Турли адабиётларда, айниқса, оғзаки нутқда бундай такрорланишларни кўп учратамиз. Масалан, *икки-уч киши келди, ўн-ўн бештадан ортиқроқ экан*, каби иборалар сўзимизнинг исботи бўла олади. Инглиз тилида ҳам сон сўз туркумига мансуб сўзларнинг такрорини учратишимиз мумкин. Келинг, унинг предлогли шаклини мисол тариқасида келтирайлик. *One by one* – бу ҳолатни агар ўзбек тилига *бирга-бир* деб таржима қилинади [15, 97].

Тиллар қайси оилага мансуб бўлмасин редупликация ходисаси деярли бир хил қонун-қоидага эга. Қўлланиш усуллари ҳам бир-бирига мос келади. Худди шунга ўхшаш мисолни санок сонда ҳам кўрайлик. *Fifty-fifty*, яъни *эликка элик* [33, 62].

Олмош сўз туркумига оид такрорий сўзларни кўпроқ ўзбек тилида учрайди. Унда қатнашган олмошларнинг кўпчилик қисмини кўрсатиш олмошлари ташкил этади. Масалан, *ана-мана, у-бу, ўша-ўша, унга-бунга* ва бошқалар. Фақат бу олмошлар редуликат хосил қилганда ҳар доим ҳам кўрсатиш маъносини билдирмайди. *Ана-мана* редуликати кўрсатиш маъносини йўқотади. Мисол тариқасида қуйидаги жумлани олайлик.

“*Ана-мана дегунча таътил ҳам ўтиб кетди*”. Бунда редупликация олмошлар ёрдамида қандайдир юмушлар маъносини хосил қилмоқда. Агар фонетик томондан олиб қаралганда, ҳар бир олмошнинг такрор шакли қофияли бўлиб келмоқда, ҳамда икки томони ҳам маъносиз эмас.

Морфологик ёки грамматик асослари ёхуд табиати билан редуликатлар иккига бўлинади:

1. Морфемик табиати, бунда ҳар бир компонентнинг мустақил морфемалиги;
2. Редупликация ва такрорнинг грамматик категорияга эгаллиги.

Бу икки гуруҳнинг ўзига яраша жиҳатлари мавжуд.

Редупликация туркий тиллари оиласида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар жуфт сўзлар сифатида қаралади. А. Гуломовнинг тадқиқотида редупликация усулида хосил қилинган сўзларни синфланганининг гувоҳи бўламиз [15, 93]. Лексик грамматик жиҳатдан от, сифат, сон, олмош, феъл сўз туркумларидаги товуш тақлидлари ва бошқалар таснифланади. Ўзбек тилида от такрорлари – кўпликни, сифат – кучайтириш, орттиришни, феъл такрорлари – ҳаракатнинг давомийлиги, такрорийлигини ифодалайди. Айниқса, феълдаги такрорлар семантик ранг-барангликка эга.

Замонавий ўзбек тилида редупликация фаол қўлланилади. Унинг кенг қўламчилиги, албатта, унинг структурал-семантик, сўз ва шакл ясовчи восита сифатида тахлил қилишга қизиқиш уйғотади.

Ўзбек тилшунослигида академик А. Ҳожиев редупликацияни жуфт сўзлардан фарқлаб беради [16, 84]. Бундан ташқари сўзларни лексик-грамматик жиҳатларини ёритади ва белгилар билан боғлиқ ҳатоликларни кўрсатиб беради. Бироқ қиёсий нуқтаи-назаридан маълумотлар мавжуд эмас. Шуниси эътиборга лойиқки, Г. Марчанд ўз даврида инглиз ва турк тилларидаги унлилар кетма-кетлига устида изланишлар олиб борган [33, 143].

Қиёсий типология билан боғлиқ томонларига кўра редупликацияга оид материаллар мавжуд эмас. Албатта, тиллар тарихига кўра, баъзи бир тахлилий ишлар мавжуд, лекин улар қониқарли даражада эмас. Таажубки, Г. Марчанд ўз услуби бўйича инглиз ва турк тилларини қиёслаб кўрган. Шунга кўра, унинг фикрича, инглиз тилидаги редупликация юқори сўнг қуйи унлиларнинг кетма-кетлигидан ҳосил бўлади, турк тилларида эса, аксинча [33, 71].

Унли ва ундош товушлар ёрдамида кўп қўлланишига қарамай, ўзбек тилида редупликация белгиланган меъёрдан кўтарилмайди. Бунга бўғинлардаги ўзгаришлар ҳам кириши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, редупликация жараёнини умумий лингвистик категория деб атасак бўлади. Энг муҳим масалалардан бири келиб чиқиши ва тузилишидан қатъий назар, редупликациянинг барча тиллар учун умумийлигидир. Тарқалиш даражаси бир хил эмас. Баъзи бир тилларда у кенг қўламда фойдаланилади, баъзиларда эса, унчалик аҳамиятга эга эмас [38, 64].

Юқоридаги изланишлардан шундай хулосага келиш мумкинки, редупликация грамматик восита сифатида турли тизимли тилларга мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тилларида муҳим рол ўйнайди. Икки тилда ҳам редупликация деярли бир хил вазифага эга, яъни ҳажм, миқдор ва даражани ифодалайди. Бунда иштирок этувчи сўзлар сўз туркумларига тегишли

бўлиши мумкин. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, редупликация қадимий кўринишга эга ва вақт ўтиши мобайнида ўзгариб, ривожланиб боради. Инглиз тили тилшунослигида редупликация грамматик восита сифатида ўрганилмаган бўлсада, тилда мавжуд бўлган сўзлар чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади. Тилшуносларнинг изланишларини кузатиб, шундай дейиш мумкинки, редупликациянинг грамматик восита сифатида қиёсий жиҳатдан инглиз ва ўзбек тилларида тўлиқ таҳлили мавжуд эмас. Ваҳоланки, редупликациянинг мулоқотдаги фаоллиги уни ўрганишни тилшунослик фаолиятлари олдига муаммо сифатида олиб киради. Масалан, болалар мулоқотида редупликациянинг махсус омил сифатида қўлланилиши ва сўз ясовчи восита эканлиги.

Юқорида редупликацияни семантик ва структурал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бир неча турларга ажратдик ва тилшуносларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб таҳлил қилдик.

Демак, редупликация фономорфолгик ходиса. У объектив жараёнларнинг миқдорий характерини ифодалайди.

1.2. Турли тизимли тилларда редупликациянинг грамматик кўплик яшашдаги роли.

Замонавий тилшуносликнинг баҳс-мунозарали мавзусига айланган “редупликация” атамаси дунё тилшунослари томонидан турлича таҳлил қилинмоқда. Уни баъзи олимлар мустақил сўз ясовчи сифатида тан олса, бошқалари сўзларнинг такрорланиши сўз яшаш дегани эмас, деб ҳисоблайдилар. Аслида редупликация фономорфологик ҳодиса бўлиб, сўз ёки унинг бирор қисмини такроридир. Грамматик редупликация ҳинд-европа тилларида сўз яшашдаги қадимги усулҳисобланади. Редупликацияни диахроник ўрганиш маълумот етарли эканлиги сабабли анча мураккаб бўлиб, тил тарихида унинг ривожига бир томонлама ёндашиб бўлмади [33, 205]. Шу сабабли ҳам редупликацияни диахроник аспектда ўрганиш тилшуносларда қизиқиш уйғотади. Турли даврларга мансуб инглиз тили матнлари кўздан кечирилганда шу аён бўлдики, қадимги инглиз тилида редупликация мавжуд бўлмаган, кейинроқ у сўз ясовчи сифатида пайдо бўлган. Редупликация барча тилларга хос ҳодисадир ва у турлича вазифаларни бажаради. Ҳозирда редупликация ҳақида тилшуносларни қониқтириши мумкин бўлган аниқ изоҳ мавжуд эмас. Баъзи бир мулоҳазаларга кўра редупликация тил механизми бўлиб, сўз ёки унинг бирор бўлагининг бир марта ҳамда кўп мартаба такрорланишига кўра, икки шартни қаноатлантиради, яъни биринчиси, такрор тасодифий ҳодиса эмас, иккинчиси, такрор аниқ бир семантикага эга [4. 56].

Замонавий хорижий тилшуносликда редупликациянинг морфологик қонунияти мавжуд. Редупликациянинг ушбу қонуниятига кўра – семантик ва синтактик хусусиятларга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ бўлақлардан ташкил топган морфологик тузилмадир. Бошқа томондан олиб қараганда, редупликация бутун бир сўзнинг такроридир ва бу шакл сўз тузилиши билан боғлиқ ҳодисадир [29, 75]. Редупликациянинг морфологик қонунияти ўз эътиборини унинг семантик хусусиятига қаратади, бунда сўзларнинг фонетик

мутаносиблиги муҳим эмас. Бундай редупликация турига биз семантик такрорларни мисол қилиб оламиз. Улар фонологик жиҳатдан бир-биридан йироқ бўлса-да, морфологик боғлангандир. Улар редупликацияланган ва бир турдаги семантикага эга. Бир қарашда табиий ва аниқ кўринишга эга ва шунинг учун ҳам тилшуносликда унга сўз ясовчи ва шакл ясовчи сифатида ҳам эътибор қаратилади [23, 122].

Редупликация объектив жараёнларнинг миқдорий характерини ифодалаб келади. Бу эса, уни грамматик жиҳатдан ёритишни тақозо этади. Бироқ уни фақат миқдор, даража маъносидагина эмас, балки бу ходисанинг семантик шаклий механизми, грамматик ва прагматик жиҳатларини таҳлил қилишни талаб этади. Редупликация тилнинг реалликни тасвирловчи маҳсули бўлиб, прагматикада унинг тўлиқ маъноли шакллари тадқиқ қилинади. Айтилганларнинг барчаси редупликациянинг шаклланиши, мазмуни, функциявийлиги, реаллигидан далолат беради [27, 188].

Миқдор ва даражани ифодалаганда от сўз туркумига оид сўзларнинг такрори, сифат ва сифатли миқдорда сифат сўз туркумига оид сўзлар такрори, ҳаракат билан боғлиқ ҳолатларда сифат ва миқдорли сифат маъносини берувчи равиш сўз туркумига кирувчи сўзлар феълни ифодалайди. Редупликация семантикаси лексик-грамматик бирликлар билан умумийдир. У такрорни ифодалайди. Шу билан бирга семантик жиҳатдан турли фикрларни келтириб чиқаради [29, 55].

Редупликациянинг моҳияти матндаги сўзнинг интеллектуал, эмоционал, аниқликка эга бўлган такрорни ифодаловчи лексик ва грамматик маъносидан келиб чиқади. Шунинг баробарида редупликацияни миқдор ифодаланишининг чекланмаган усули деб изоҳлаш мумкин. Унда семантиканинг прагматик қиймати дастлабки ўринда туради. Сўзловчи бу усулда ўз фикрларини юқори даража кўрсаткичида билдиради, бу эса, чекланишларни инкор этади. Редупликациянинг бундай маъно ифодалашини унинг шакллари қайси асосларга тегишли эканлигини ва тилнинг бошқа воситаларидан фарқини таҳлил этишга йўналтиради [31, 88].

Тадқиқот жараёнида такрорий сўзларнинг семантик гуруҳининг куйидаги семантик, грамматик ва прагматик асослари танлаб олинди:

- 1) редупликация - кўплик маъносида;
- 2) редупликация – ҳажм маъносида;
- 3) редупликация – даража маъносида

Кўпликни ифодаловчи редупликатлар лексик-грамматик муносабатларда жуда серқирра ҳисобланади. Улар от, феъл ва равиш сўз туркумлари кўринишида намоён бўлади [21, 134].

Редупликациянинг табиийлик хусусиятларига кўра, тадқиқотчилар редупликациянинг “автоном болалар нутқи”ни ажратадилар [11, 56]. Унда тилнинг исталган муҳим шакли тушунилиб, катталар нутқиға ўхшамаган, фақат кичик ёшли болалар тилидаги мулоқот эътиборга олинади. Бунда бола нутқи ўрганилади ва редупликация болага грамматикани ўргатишда муҳим омил сифатида қаралади ва унинг бола учун тушунарлилиги ўз-ўзидан редупликациянинг қадимийлигидан далолат беради [17, 67].

Қадимийликнинг яна бир далили сифатида ҳинд-европа тилларидаги қариндошлик атамаларининг такрорий хусусиятга эгалигидир. Масалан: *mammy, daddy* [17, 65].

Улар товуш мутаносиблигига эга ва айнан бола тилида ҳосил бўлади.

Қадимги инглиз тилида грамматик редупликациянинг мавжуд эмаслиги, янада қадимги тил, яъни гот тилига мурожаат этишга сабаб бўлади. Грамматик редупликация ҳинд-европа тилларида ҳам мавжуд бўлиб, махсулдор морфологик восита сифатида ҳаракатнинг тугалланган ёки такрорий маъноларини берувчи феъл сўз туркумларида учраган. Кейинчалик гот тили хиндевропа тилидан феълли редупликацияни ўтган замонни ифодалаш мақсадида ўзлаштириб олган. Аммо гот тилида грамматик редупликация махсулдорлигини йўқотади ва фақат ўтган замонни ифодалайди. Гот тилида редупликацияланган феъллар икки хил бўлади [5, 198].

- 1) аблаутли редупликацияланган феъллар

2) аблаутсиз редупликацияланган феъллар

Аблаутли редупликацияланган феъллар каторига ундош ўзакка (ai) унлисининг кўшилишидан ҳосил бўлган такрорлар киради. Бундай феъллар гуруҳига ҳозирги замонда **е**, ўтган замонда **о** кўринишини беради. Масалан:

Letan – lailot – lailotun – letans – қолдирмоқ

Gretan – gaigrot – gaigrotun – gretans – йиғламоқ

Tekan – taitok – taitokun – tekans – тегинмоқ

Аблаутсиз редупликацияланган феъллар каторига 5 синфга мансуб такрорларни ажратамиз.

- 1) (ai) haitan – haihait – чақирмоқ
- 2) (au) aukan – aiauk – катталашмоқ
- 3) (a) fahan – faifah – тутмоқ
- 4) (e) slepan ухламоқ – saizlep ухлаган
- 5) (o) – horan - haihor алқамоқ [5, 87].

Юқоридаги феълли редупликациялардан аниқ семантик белгиларни топиш мушкул. Бундай турдаги редупликациялар қадимги инглиз тилида баъзи бир кўлёмаларда учрайди [8, 91]. Грамматик редупликациянинг йўқолишига урғу тизимининг ўзгарганлиги ҳам сабаб бўла олади. Баъзи бир ҳинд-европа тилларида урғу кучга эга эмас, овоз баландлигига қараб кўйилади. Ҳинд-европа тилларида урғу мустақил бўлган. Инглиз ва ўзбек тиллари учун феъл сўз туркумлари редупликацияси ҳам характерлидир. Улар харакатнинг изчиллигини, тезлигини, сер махсуллигини ифодалайди. Аниқроғи улар от сўз туркумининг харакатларини очиб беради. Масалан, blah-blah – жаврамоқ [20, 88].

Сўз ясовчи редупликация гот тилида ҳам, қадимги инглиз тилида ҳам қайд этилмаган.

Тузилишига кўра редупликатлар иккига бўлинади.

1. Асиндетик сўзлар. Бундай такрорлар ўзакдаги унли такрорисиз ясалади. Масалан: hurly-burly – иккиланиш.

2. Синдетик сўзлар – тузилиши ўхшаш, қофияли сўзлар такрори.

Масалан: *hither and thither* – у ер бу ерда, *fair and square* – адолатли.

Ясалиш усулларига кўра редупликация қуйидагича таснифланади:

- Фонетик ўзгаришларсиз ҳосил бўладиган такрорий сўзлар. Масалан: *hush-hush, to hush* – феълидан олинган. Ёки биров фонетик ўзгариш билан, масалан: *shilly-shally, dilly-dally*.
- Маъно мутаносиблиги асосида ясалган редупликациялар. Масалан: *hurling and burling, walkie-talkie...*
- Келиб чиқиши ноаниқ бўлган такрорий сўзлар. Масалан: *fuddy-duddy* [21, 88].

Аксарият ҳолларда редупликация ходисасида иккинчи элемент мавжуд сўз бўлиб, иккинчиси эса такрордир. Редупликатлар инглиз тилида ўрта асрлар сўнггида пайдо бўла бошлаган. Бу вақтга келиб, инглиз тилида анча ўзгаришлар вужудга келди ва редупликация сўз яшашнинг маҳсулдор усулига айланди [40, 77]. Ўзак ўзгаришидан шуни англаш мумкинки, редупликация инглиз тилига тасодифан кириб келган. Бундан ташқари, кўп редупликатив сўзлар қофия асосида тузилган ва бундай тузилиш қадимги инглиз тилида мавжуд бўлмаган. Ўрта аср инглиз тилисига редупликациянинг кириб келишига нормандлар олиб келган янги адабий жанр сабаб бўлди [15, 79].

Шундай қилиб, тарихдаги ўзгаришлар инглиз тилидаги редупликациянинг шакл ясовчидан сўз ясовчига айлантирди. Албатта, редупликация сўз ясовчи восита сифатида ҳам ички ҳам ташқи томондан янги сўзлар ясай бошлади.

II БОБ. ЛЕКСИК РЕДУПЛИКАЦИЯ.

2.1. Редупликациянинг структурал-семантик таснифи.

Сўз яшашнинг редупликация усули барча тилларга хос ва сермахсулдир. Бунга турли тизимга эга бўлган тиллардаги редупликатлар далил бўла олади. Бундан ташқари у такрорланиш йўли билан хосил бўладиган мустақил сўз яшаш ходисасидир. Редупликация ёрдамида кўплаб янги лексик бирликлар, грамматик шакллар ва стилистик воситалар хосил бўлади [25, 167]. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, редупликация типологик жihatдан умумийликка эга. Редупликатлар баъзи тилда кўплаб вазифа бажарса, бошқасида унинг имкониятлари чегараланган. Редупликациянинг типологик умумийлиги шундан иборатки, унинг ёрдамида категориал белгилар пайдо бўлади. Сўз яшашнинг бундай усули редупликациянинг умумий кўринишидан далолат беради ва бу бизга турли тизимга эга бўлган ўзбек ва инглиз тилларида уни таҳлил қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тил тарихига кўра,бу тиллар турли оилаларга мансуб бўлгани боис, умумий тил материаллари мавжуд эмас. Келиб чиқиш тарихининг турличалиги асосан морфологик ва расмий далиллар билан изоҳланади. Шунга кўра инглиз тили тарихан флектив, ўзбек тили эса, агглютинатив тиллардан хисобланади [9, 43].Улардаги бу фарқланиш редупликацияни умумий тарзда ўрганишга халал бермайди. Бундан қиёсланаётган тиллар тизимида умумийлик мавжуд эканлигининг гувоҳи бўламиз. Редупликациянинг барча соҳаларда мавжудлиги унинг қиёсий режада ўрганишни талаб этади. Бунда бизга етарлича, омиллар мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам, тиллар орасидаги фарқ ва ўхшашликларни чуқур таҳлил этамиз. Редупликациянинг структураси васемантикасини тадқиқ қилишда умумийлигидан келиб чиқамиз [34, 99].Тилшуносликка хосадабиётларда ушбу ходисага турлича ном берилади, масалан, такрор, жуфтлик, редупликат, дубликат ва бошқалар. Баъзи тилшунослар атамалардаги фарқни аҳамиятсиз деб хисоблайдилар, бошқалари эса, уларнинг аҳамияти ва вазифалари

номлари каби ҳар хил деб изоҳлайдилар. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, редупликация атамасидан сўз ва сўз шакллари таҳлил қилишда, такрорий сўзлар атамасидан стилистик матнларни изоҳлашда фойдаланамиз. Бундай бўлишига сабаб, биринчидан, тиллар орасидаги типологик умумий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, редупликациянинг морфемик жиҳатларининг тадқиқ қилинмаганидир [19, 52].

А. Ф. Поттдан сўнг такрорий сўзлар ҳақида В. Вунднинг асарида ўқиймиз. Бу тадқиқотчи редупликацияни товушлар ўзгариши ва қисман семантик асосларда таҳлил қилади. Сўзлардаги боғланишлар асосан психологик далилларга асосланади. В.Вунд редупликацияни биринчи марта психология билан боғлайди. Бизнинг фикримизча, Вунднинг ҳатоси сўзлар такрорини тил тегишли бўлган миллат темпераменти билан боғлаганидир. Лексик редупликациянинг номи ҳам тилда тез-тез учраб турувчи бир хил сўзларни англатади. Уни сўзловчи фақат бир турдаги лексемани ишлатмоқчи бўлганда қўллайди. Унинг қурилиши ҳақида гап борганда, тўлиқ таърифни берувчи сўзлар жалб этилади. Адабий матнларда ҳам, оғзаки мулоқотда ҳам, лексик редупликация муҳим рол ўйнайди ва бир қанча вазифаларни бажаради. Агар редупликация матндаги жумлаларни боғламаса ва эмфатик вазифани бажармаса, уни редупликация дейиш нотўғри бўлади. Редупликациянинг тарқоқлиги унинг тезкорлиги, товушлар мутаносиблиги ва вазифалилиги асосий лексик моҳияти билан боғлиқ [40, 175].

Лексик редупликация – бош бўғиннинг, сўзнинг ёки унинг бирор қисмининг такрорланишидир. У тўлиқ, нотўлиқ ва ноаниқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат деярли барча тилларда учрайди. Редупликация кучайтириш ёки камайитириш хусусиятлари билан намоён бўлади.

Олимлар А. Потт, Г. Остгроф, К. Еругман, А. Мете, В. Вунд, Э. Экхартдо, Х. Хирт, Э. Сепир ва бошқалар. Шу тил оиласига кирувчи инглиз тилида ҳам бир қанча олимлар томонидан салмоқли тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Э. Сепир, О. Есперсон, Э. Экхартд, А. М. Болл каби

олимлар томонидан инглиз тилидаги редупликация изчил ёритилган. Уларнинг бекиёс асарларида редупликациянинг умумлингвистик характеристикаси, фонетик ва морфологик асослари ҳақида фикр билдирилади. Бироқ инглиз тилидаги редупликатлар муаммолари ҳамон жавобини кутмоқда. Аслида редупликация ушбу тилда ҳам бир хил ўринга эга. Бу ҳолатни машҳур тилшунос олим Эдварт Сапир редупликациянинг кўплик категорияси деб изоҳлайди, чунки у ҳажм катталиги, юқори куч, масофа ва бошқа шунга ўхшаш маъноларни ифодалайди. “Оғзаки нутқда – дейди Э. Сепир – редупликация адабиётларда таъкидланганидан кўпроқ ишлатилади. Бундай сўзлар, яъни “goody-goody” ва шунга ўхшаш сўзлар айтилганидан кўра эркинроқ қўлланилади” [19, 67].

Хинд-европа тилларида, жумладан, инглиз тилида редупликация сақлаб қолган. Сўз яшашнинг бу турдаги усули Э. Сепир, О. Есперсон, А. М. Болл, Л. Блумфилд, Г. Марчанд, Д. Е. Болингерлар томонидан таҳлил қилинади. Э. Сепир, Л. Блумфилд таҳлилларида бир хил лингвистик фикрни кўрамади. О. Есперсон, Э. Экхардт, Г. Марчанд инглиз тилидаги редупликациянинг фонетик ва морфологик асосларини ўрганадилар. Ваҳоланки инглиз тилидаги редупликатлар изоҳ талаб этади. Аслини олганда инглиз тилидаги редупликация бошқа тиллардаги каби фойдаланилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, редупликация барча тилларга хос. Бундан ташқари у кўп вазифали ҳамдир. Лексик жиҳатдан янги сўзларни, грамматик жиҳатдан грамматик категорияни, баъзи бир тилларда кўпайтириш, йиғиш, кучайтириш ва бошқа кўплаб маъноларни ифодалайди [26, 67].

Редупликациянинг фонетик ва сўз яшаш хоссалари таҳлилини биз А. М. Боллнинг тадқиқотларида учратамиз. У ўз ишида бундай сўз тузилишига жуда чуқур изоҳ бერмайди. У шунчаки, чизикча билан ёзиладиган жуфт сўзларга мисоллар келтиради. Масалан: clip-clop, dead-alive, God-man, proof-proof, tut-tut, yes-no [20, 75].

Унинг ёзишича, редупликация табиатига кўра эмфатик, унинг ҳар тарафи ўзига урғу олади. Бундан ташқари Боллнинг асарида бошқа тахлиллар йўқ. Улар жуфт сўзлар билан қоришиб кетган.

Тўлиқ сўз ясовчи сифатида сўнгги тадқиқотларни Г. Морчанд, И. В. Арнолд каби тилшунослар олиб боришган. Аввало, Г. Морчанднинг таснифлаш жараёнларини кўриб чиқайлик. Унинг фикрича, редупликация унинг келиб чиқишига боғлиқ. Бундай такрорланиш экспрессив сўзлар катори билан чекланади. Тадқиқотчи редупликациянинг далилий турлари тўғрисида ҳамда унли, ундош ўзгариши билан ҳосил бўладиган редупликатлар ҳақида маълумот беради [33, 90].

Ташқи кўринишидан редупликатлар ҳар хил бўладилар. Бири морфеманинг оддий такрори бўлса, бошқаси ўзгаришлар билан содир бўлади.

Редупликатлар мураккаб сўзлар каторида муҳим ўринни эгаллайди. Бир томондан бу сўзлар икки мустақил сўзларга ажрала олади, бошқа томондан, унга тегишли бўлган сўзлар ҳар доим ҳам бўлиниш хусусиятига эга эмас [26, 21].

Муҳим сўз ясовчи сифатида редупликация асосий семантикаси билан ажралиб туради.

Функционал нуқтаи назаридан редупликация бутун бир матн таркибида ўрганилади. Бунда, албатта, матн тили, услубияти, мулоқот воситаси эканлиги тилшунослик тахлилидан ўтказилади. Замонавий тилшуносликнинг диққат марказида матн тузилиши асослари, матн таркибини ташкил этувчи воситалар, жумлалардаги боғловчилар, матннинг бир бутунлиги туради [38, 78].

Аслида тилшунослик тарихида редупликация ўтган асрнинг 60-йилларида ўрганила бошланган. Бунда унинг фақат ташқи томондан эмас, матн ясовчилик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилди. Такрорлар матннинг бир бутунлигини таъминлайди. Назариялар нуқтаи назаридан редупликация стилистик услубият – шахс, предмет, сифат ва ҳаракатдир. Айнан у ҳар

кандай матннинг асосий қурувчи материали, унинг таркибий қисмидир [30, 48].

Такрорларнинг турли кўринишлари орасида назмий асарларда лексик редупликация кўпроқ учрайди. У бошқа такрорлардан аниқлиги, эмоционал тезлиги, унда қатнашувчи компонентларнинг ранг-баранглиги ва узвий боғланганлиги билан ажралиб туради. Кўпгина боғланган компонентлар синтактик аҳамиятга эга.

Назмий матн таркибидан ўрин олган такрорланувчи бирликларнинг шеърӣ сатрларда синтактик мураккабликлари мавжуд. Улар гап ясалишида иштирок этувчи қисм бўлиш билан бирга сатрларда муқим бир асосий ўринни эгалловчи омил ҳамдир. Бадиий матн бошқа матнлардан ўзининг хилма-хиллиги ва услубияти билан ажралиб туради [25, 90].

Назмий матнлардаги компонентлар маълум бир қонуният асосида бири-бирига яқин жойлаштирилади. Шу ўринда редупликация шеърнинг ажралмас муҳим асосий қисми ҳисобланади.

Лексик редупликация атамаси ортида биз учун сўз, сўз бирикмаси, гап такрорини тушунамиз. Назмий матнларда уларнинг моҳияти турличадир. Баъзи бирлари бутун бир шеър давомида катта вазифани бажаради, баъзи бирлари эса, кичик функция билангина чекланади.

Лексик такрорларнинг назмий матндаги оҳангдорлик функцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у лирик матнни ҳосил қилади. Такрорлар ёрдамида матн таркибида ритмик-синтактик ва семантик белгилар ҳосил қилинади [9, 100].

Шу боисдан редупликация чуқур таҳлил қилиниши зарур. Далил сифатида умумназарий қоидаларига кўра аниқ таъриф келтирилиши керак. Бундай таъриф муаммолари таҳлил методикаси ва матн таркибига боғланган.

Ҳозирда редупликациянинг миллий фольклордаги, шу билан баробарида замонавий мулоқотдаги, адабий ва шевадаги иштироки ўрганилади. Бироқ семантик нуқтаи назаридан редупликация бирмунча ноаниқлигича қолмоқда. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, шеърлар,

кўшиқлар ва сўз ўйинлари грамматик хусусиятга эга, бу эса, уларнинг тузилиши билан боғлиқ [9, 39].

Редупликация далилий ва далилсиз редупликацияга бўлинади. Далилий редупликация масалан, ўзбек тилида *мева-чева* сўзини олайлик. Мевамавжуд предмет, чева эса шунчаки мева сўзига охангдор маъносиз сўз. Далилсиз редупликация эса бирор ходисани ифодалайди. Масалан *ади-бади*, *шов-шув* ва шу каби сўзлар [16, 93].

Семантик нуқтаи назаридан редупликацияни маъноли ва маъносиз турларга бўлиш мумкин.

Маъноли редупликация – бирмунча махсулдор бўлиб, у оғзаки нутқда аниқ экспрессив семантикани ифодалайди.

Маъносиз редупликация эса семантик матнлардаги фонетик ўйинлардир [24, 89].

Такрор таъкиднинг қадимги усулларида биридир. Уларонга секин-асталик билан ёки тезлик билан кириб боради. Деярли барча тилшунослар редупликацияга эътибор қаратганлар, бироқ уларнинг тадқиқотларида улар турлича ном олади ва турли гуруҳларга бўлинади. Редупликациянинг матн орасида ўзига хос белгилари мавжуд. Бу белгилар уни жумлалар орасидан ажратиш олишга ёрдам беради. Улар мос ёки акс тасвир, мазмун тўлиқлиги, функционал-грамматик характери, такрорланувчи компонентларнинг синтактик белгиларидир. Редупликация фонетикада ҳам, лексикада ҳам, морфологияда ҳам ва синтаксисда ҳам ишлатилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, редупликатлар ҳар хил кўринишда, яъни келиб чиқишига қараб, сўз, сем, фонема, алоҳида морфема, бутун лексик тўплам, жумла ёки мавзу бўла олади. Редупликация ўзининг шакл тузилиши билан улкан эмоционал мазмун берувчи воситадир. Сўз ясовчи такрорлар лексика таркибида боғловчи воситасига айланади. Сўз ясовчи такрор билан деривацион такрор ўртасида фарқ бўлиб, бунда сўз ясовчи такрор ўзак, негиз, қўшимчалар, мураккаб сўзнинг бир қисми ва бошқалар, деривацион такрор эса, фақат асос

ва мураккаб сўзнинг бир қисми такрори хисобланади. сўз ясовчи ва лексик такрор орасида редупликация туради [22, 99].

Барча такрорлар боғловчилик хусусиятига эга. Матнни мустахкамлайди, фикрлар кетма-кетлигини таъминлайди. Редупликация такрорланаётган элементларга диққатимизни қаратади. Бундан фарқли ўлароқ матнларда жумлаларни боғлаб, мустахкамлаш билан бирга янги ғояни яратади. Такрор бу вақт билан синалган экспрессив ходисадир. Унинг эмоционаллиги муаллиф махоратидан келиб чиқади. Матннинг товуш кофиясини таъминлайди. Бундай ритм яратилиши матн мазмунини оҳанг билан бойитади. Лексик редупликация муаллифга фикрни ажратиб кўрсатишга ёрдам беради. Лексик редупликатлар ҳазил-мутойибани ёритишда кўл келади [19, 44].

Таъкидлаб ўтганимиздек, редупликациянинг тилшуносликда аниқ бир таърифи йўқ, шунинг учун ҳамтаснифланмаган. Кам тадқиқ қилинган бўлсада, тилдан фойдаланувчилар томонидан сўзлашаётган пайтида кўп қўлланилади. Шунини эслатиб ўтайликки, бу бўлимда редупликацияни стилистик восита сифатида эмас, балки тил эгаларининг мулоқот қуроли сифатида ўрганишимиз. Товуш, морфемик қисм ва сўз такрори натижасида хосил бўладиган редупликация фонеморфологик ва лексик ходисадир [11, 39]. Биз 70дан ортиқ эгаллаган ўрни ва вазифаларига кўра тарорий ҳолатларни кўздан кечирдик ҳамда шундай гуруҳларни фарқладик:

- Редупликация ахборотни аниқлаштириш ва батафсил ёритишда ишлатилади;
- Редупликация хис-туйғуни орттиришда ишлатилади;
- Бирор нарсани хотирлаш жараёнида учрайдиган редупликация;
- Тасдиқлаш пайтида учрайдиган редупликация;
- Қайта савол берилганда қўлланиладиган редупликация;
- Иккиланиш вазиятида учрайдиган редупликация.

30% атрофидаги такрорлар ахборотни аниқлаштиришда фойдаланилади ёки фикрларни ахборот сифатида тасвирлашга ёрдам беради [6, 89].

Такрорларнинг ёзма ва оғзаки нутқнинг барча жанрларида турлича вазифаси ва ўрни бор. Масалан, илмий-назарий жанрда биз фикрларнинг такомиллашган шаклини кўрамиз. Унда товушларга эмас, балки тингловчининг маълумотни қандай қабул қилишига эътибор берилади. Редупликация ҳам шунга яраша қўлланилади.

Такрорлар расмий тилда энг кам қўлланилади. Расмий ҳужжатларда кўпроқ мураккаб сўзларнинг ишлатилганининг гувоҳи бўламиз. Бирок расмий тилнинг шундай кўринишлари борки унда такрорлар, айниқса, товуш такрорлари муҳим аҳамиятга эга. Булар эълонлар, рекламалар ва бошқалар. Улар ахборотнинг таъсирчанлигини ошириб, эътиборни жалб этади. Матбуотда, радио эшиттиришларида, ойнаи жаҳон кўрсатувларида редупликациянинг ҳизмати беқиёс. Редупликатлар бу каби соҳаларда эстетик вазифани бажаради. Улар бадиий жанрларнинг махсули ҳисобланади. Газета ва журналларнинг бош саҳифаларида ҳамда сарлавхаларида редупликацияларнинг қўлланиши табиий ҳол. Ундаги мақола муаллифлари ўқувчининг эътиборини тортиш учун барча усуллардан фойдаланади [7, 188].

Одатий ҳолатларда редупликациянинг тилшунослар томонидан ёзма шакллари кўпроқ қилинади. Шу ўринда бирор касб эгасининг, масалан, бошланғич синф ўқитувчисининг дарс давомидаги нутқ фаолиятини ўрганишга қарор қилдик. Сабаби, юқори синфларга нисбатан қуйи синф дарслари давомида такрорлар кўпроқ ишлатилади. Ундаги редупликациянинг семантикасини реторик восита сифатида изоҳлаймиз. Муаммоли томони шундаки, редупликация лексика, грамматика, лингвостилистика, бундан ташқари семиотика, нутқнинг стилистик ва маданий жиҳатларига тегишлидир [11, 65].

Нутқнинг мафтункорлиги, ишончлилиги, ҳақиқатга яқинлиги унинг тузилиши ва фойдаланилган шакл ҳамда воситаларга боғлиқ.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга жумлаларнинг осонроғини, тушунарлироғини танлайди. Янги мавзу ёки ахборотни етказиб беришда турли усуллардан фойдаланади. Бунда у редупликациядан фойдаланади. Улар диққатни бир жойга жамлашда, асосий фикрни тингловчига етказишда, маълумотни соддалаштиришда, аниқликда муҳим рол ўйнайди. Шеърлар, тез айтишлар, турли сўз ўйинлари шулар жумласидандир. Ана шуларни кузатган ҳолда содда кўринишдаги редупликациянинг қуйидаги гуруҳларини фарқлаймиз.

- Бир хил товушлар, ўзаклар такрори,
- Мазмун такрори (синоним редупликация),
- Бир гап ичида бир хил сўзлар такрори [24, 98].

Бундай гуруҳлаш такрорнинг ўқитувчи нутқида қимматли ва муҳим курул эканлигини кўрсатади. Унинг таъкидли нутқидан, шундай хулосага келишимиз мумкинки, ўқитувчи янги маълумотни асосий фикрнинг такрорланиши орқали диққатни жалб этиб, тингловчига етказди. У такрорнинг барча турини дарс жараёнида қўллайди.

Редупликацияга ҳозирги кунда гап бўлаги сифатида эмас, балки яратувчилик воситаси сифатида қаралмоқда. Сўзлашув жараёнида ҳосил бўладиган редупликатлар тасодифий, аммо ундан фарқли ўлароқ ўқитувчи дарси давомида ишлатадиган редупликатлар тасодифий эмас, балки бир мақсадни кўзлаб фойдаланилган такрорлардир. Улар аниқликни оширувчи, эслатувчи, асосий фикрни мустаҳкамловчи вазифаларини ўтайди [24, 66].

Кейинги вақтларда редупликация нафақат стилистик восита сифатида, балки харакатлантириш тамойили сифатида ҳам ўрганилмоқда. Чунки кичик матнларда қарама-қаршилиқлар функциясига эга. Катта матнларда эса, элементларнинг бир-бирига боғланиши натижасида, бир фикр бошқасига боғланиб бир бутунликни ташкил қилади. Чет тили адабиётларида такрорларнинг бир йўналишли турлари кўп учрайди. Матн таркибидаги редупликациялар ўша матн бўлагининг таърифини долзарблаштиради ва

семантик жихатдан бир-бирига мос келади ҳамда матн маъно тизимини мустахкамлайди [26, 167].

Такрорларнинг бошқа кўринишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Улардан бири масофавий лексик такрорлардир. Улар матннинг бадий кийматини оширади. Асосий ғояни ажратиб фикрларга урғу беради. Матнлардаги турли хил такрорларнинг бир-бири билан кесишиши натижасида яхлит мураккаблик вужудга келади. Бадий адабиётларда сўз янгилашиши, ўзгача маъно касб этиши мумкин.

Лексик-семантик редупликациянинг яна бир кўринишларидан бири бу синонимик такрорлардир. Улар матнда тор ораликли боғланишларга эга бўлиб, бир фикрни ифодаласада, матн ғоясини кенгайтиради ва исботлайди. Синонимик такрорлар семантик восита ҳисобланиб, тор боғланишли сўз ва гап бадий адабиётда турли-туман фикрий ахамиятга эга. Демак, редупликация грамматик восита сифатида стилистик-экспрессив омил сифатида тил нормаларининг бузилиши сифатида ҳажм ва даража кўрсаткичларини белгиловчи сифатида ўрганилмоқда [9, 92].

Матн экспрессивлиги бу – ўқувчига аниқ таъсир доирасига эга бўлишлигидир. Редупликация адабиётлар матнларида сўз, жумлалар, гап бўлаги такрори сифатларига эга бўлиб, экспрессивлик ва охангдорликни таъминлайди. Матн таркибида редупликация умумлаштирувчи, бириктирувчи хусусиятларга эга. Редупликацияни таҳлил қилар эканмиз уни бир қанча гуруҳларга бўламиз. Унинг энг катта гуруҳига инсонга ва унинг фаолиятига тегишли сўзлар ташкил этади. Албатта бу шубҳасиз, боиси, инсон жамиятда етакчи ўринни эгаллайди. Сўзлаша олиш қобилияти фақат инсонга берилган, бас шундай экан у мулоқотнинг субъектидир. Бу гуруҳ таркибига юқорида айтиб ўтганимиз, болалар тилидаги редупликация ҳам киради. Болалар тилида эслаб қолишга осон бўлган сўзлар танланади. Редупликатлар эса матнга ўзгача безак беради. Унда кўпроқ тўлиқ редупликатлар иштирок этади. Баъзилари эса суффикслар билан ясалади. Албатта, болалар тили

мулоқот жараёнидаги жўшқинлиги билан бошқаларидан ажралиб туради [27, 88].

Инсон билан боғлиқ гурухлар таркибига яна бахс ва тортишувлар пайтида қўлланиладиган редуликатларни ҳам киритамиз. Бундай гурухнинг ажратилишига қуйидаги сўзларнинг жамоатчиликда тез-тез ишлатилиши сабаб бўлди, яъни *argy-bargy* - бахс-мунозара, *pell-mell* – ади-бади айтишиш.

Яна алоҳида кичик гурухини озиқ-овқатлар маъносини англлатувчи сўзлар ташкил этади. Масалан, *chatter-chatter* – рангсиз чой, *hauchee-pauchee* – кортошка пюреси. Бу турдаги редуликатлар гурухининг юзага келишига уларнинг кундалик ҳаётимизда фойдаланишимиз туртки бўлди. Уларнинг ёрдамида оғзаки нутқимиз ранг-барангликка эга бўлади [14, 99].

Энг кам таркибли кичик гурух редуликативлари қаторига “мағлуб” маъносини берувчи *hi-fi* сўзини олайлик. Бунга сабаб бу редуликат ҳам инсон фаолиятига хослигидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, редуликация барча тиллар учун универсал ходиса. Агар кузатадиган бўлсак, мулоқотдаги ишлатилган редуликатлар ифода этган маъноларни бошқа тилда ҳам редуликат ҳолатида ишлатиш учун эквивалентидан фойдалансак бўлади. Бу эса албатта, матн мазмунининг асосий қирраларини сақлаб қолишда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.қуйида инглиз редуликатларига эквивалент сифатида ўзбек тилидаги такрорлар келтирилган:

Chin-chin – ади-бади

Fat-cat – казо-казо, бой-бадавлат

Flip-flap – остин-устин

Fifty-fifty – элликка-эллик

Hush-hush – сир-асрор

Nit-wit – далли-девона

Nob-a-nob – ёру-дўст

Tit for tat – юзма-юз

Dilly-dally – бўш-баёв

Fiddle-faddle – гап-сўз

Fuddy-daddy – шубха-гумон
Higgledy-piggledy – алфов-далфов
Hither-thither – унда-бунда
Hoity-toity – ковок-тумшук
Hurly-burly – ўй-хаёлли
Knick-knock – майда-чуйда
Know-how – илм-фан
Razzmatazz – ёлфон-яшиқ
Tittle-tattle – миш-миш
Willy-nilly – зўр-базўр
Wishy-washy – чой-пой [22, 55].

2.2. Инглиз ва ўзбек тилларида тақлид, такрор сўзлардан ҳосил бўлган сўзлар редупликацияси.

Замонавий тиллардаги нутқ вазиятларида ономотопея, яъни товуш тақлидлари кўп учрайди. Ономотопея – товуш тақлиди бўлиб, атрофдаги товушларнинг ифодаси сифатида тил ва мулоқот учун хизмат қилади. Товуш тақлиди тил фалсафаси ва семантикаси учун аҳамиятлидир. Товуш тақлиди тасодифий эмас, улар мавжуд ходисаларнинг номланишидир. Ономотопларнинг маънолари бошқа сўзлар маъноларидан ажралиб туради. Улар алоҳида таркибга эга бўлиб, айнан товуш тақлидлари тиллараро деярли бир хил тузилишга эга ва таржимасиз ҳам тушунарли. Масалан: bow-wow – вов-вов, sock-a-doodle-doo – қо-қо-қо (хўроз қичқириғи) [25, 95].

Товуш тақлидлари ҳеч қандай ҳис-туйғу маъносига эга эмас, улар шунчаки товушларнинг сўзлардаги ифодаси, холос. Табиий мавжуд предметларнинг оҳангини тасвирлаган ҳолда, улар аниқ лексик аҳамиятга эгадир. Ономотоплар кўп ҳолларда гап бўлаклари сифатида иштирок этади.

Кўп ҳолларда ономотопларни ҳис-ҳаяжон гаплар билан таққосланади, бироқ ономотоплар улардан анча фарқли. Товуш тақлид сўзлар ва турли ҳис-туйғуга оид сўзларни қисқача гуруҳларга ажратайлик. Каттароқ гуруҳлардан бирига инсон туйғуларини ифодаловчи сўзлар мансуб. Инглиз тилида уо-һоо – кувончни англатади. Уни қўллаган шахснинг ҳолатини у сўз билан айтмасда, тингловчи ҳеч бир қийинчиликсиз англай олади. Шунга ўхшаш салбий ходиса вазиятида jeepers-creepers – ҳайратланиш(жин урсин) маъносини ўзида акс этган редупликатлар ҳам учраб туради. Ўзбек тилида, вой-вой, вой-дод каби сўзлар уларга эквивалент бўла олади. Бу гуруҳнинг катта қисмини товушни ифодаловчи сўзлар ташкил этади [12, 56].

Навбатдаги инглиз тилидаги редупликация гуруҳига ҳуқуқ тартибот орган ходимлари ишлатадиган сўзларни курадиган бўлсак, унинг таркибига фирибгарлик, полициячилар фаолиятидаги нарса-буюмларни билдирувчи

такрорий сўзлар мисол бўла олади. Масалан, razz-matazz, hocus-pocus, cor-shop, boom-boom [20, 156].

Инглиз тили редуликатлари гуруҳи қаторида шундайи ҳам борки, улар техника ва предметлар хосил қиладиган товушларга тақлид қилиш натижасида хосил бўлади. шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бундай такрорлануви тақлид сўзлар айнан ўша предмет ёки техниканинг номи бўлиб ҳам келади. Шундай қилиб редуликация нутқимизни осонлаштиришга ҳам хизмат қилар экан. Масалан, din-don, tick-tock, thump-thump. Бундай сўзлар нафақат инглиз тилида балки ўзбек тилида ҳам талайгина, чиқ-чиқ, тақ-тақ, дир-дир ва бошқалар [10, 99].

Тадқиқот жараёнида редуликация гуруҳлари қаторига қушлар ва ҳайвонлар овозларига тақлид қилиш натижасида юзага келадиган сўзлар қаторини киритдик. Аслида улар болалар тилининг объекти хисобланади ва тўлиқ такрорли редуликация турига киради. Масалан, mew-mew - мёв-мёв, how-how - вов-вов, tweet-tweet - чиқ-чирик, croak-croak - вақ-вақ... [11, 43].

Инглиз тилида ҳайвонлар ва қушлар номлари баъзида редуликацияга айланади. Ушбу редуликатлар тўлиқ ва нотўлиқ бўлиши мумкин. Масалан, ylang-ylang, coco, piggy-wiggy, saw-daw, hod-dod ва бошқалар.

Пассив, яъни таркибини оз сўзлар ташкил этувчи редуликация гуруҳи қаторига ўйинлар ва предметлари маъносини билдирувчи сўзларни кўришимиз мумкин. Масалан, ping-pong, pall-mall, nick-nack... [11, 65].

Тадқиқотнинг кейинги семантик майдонига мусиқа ва рақс давомида қўлланиладиган редуликатлар гуруҳи киритилган. Улар ўзбек ва инглиз тилшунослигига баъзи бир маданий сабаларга кўра киритилган.(go-go, ga-ga, hip-hop, cha-cha, boogie-woogie). Бу сўзлар, айниқса, ёшлар тилида кенг тарқалган.

Инглиз тилидаги товуш тақлид сўзлари юқоридаги сабабларга кўра тилшуносларнинг эътиборини жалб этади. Шунга асосланиб, қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Инглиз тилидаги ономатопларнинг аксарияти бир ўзакдан ташкил топган ёки чекланган флексиядан иборат бўлади. Масалан: *bang, plop*
2. Товуш тақлидларига оид сўзларнинг бир гап бўлагидан бошқа гап бўлакларига ҳеч бир тўсиксиз ўтиши. Масалан: *ding-dong (v) – бонг урмоқ, ding-dong – бонг.*
3. Товуш тақлидларининг аксарият қисми редупликация ва товушлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Масалан: *quack-quack – вақ-вақ (қурбақа қуриллаши), clip-clop – тақ-туқ (от тугғи товушлари), tick-tick – чиқ-чиқ (соат милларининг овози)* [25, 88].

Бадий адабиётларда товуш тақлидлари ва уларнинг редупликация кўринишида ишлатилиши назмий ҳамда насрий асарларда табиий жозиба беради. Унда учрайдиган товуш тақлидлари қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- Табиат ходисаларини англатувчи товуш тақлидлари, масалан, шамол, ёмғир, бўрон ва бошқа шу кабилар: дув-дув, чак-чак, ғув-ғув.
- Турли предметлар овозлари, масалан, машина, соат ва бошқалар: тақ-тақ, виз-виз, тақир-туқур.
- Одамлар ва жониворлар томонидан ҳосил бўладиган товуш тақлидалри [25, 42].

Товуш тақлидлари бадий асарларда товуш ўйинларини ҳосил қилишда қўлланилади.

Тарихга юзланадиган бўлсак, товуш тақлидлари, асосан, назмий жанрларда фойдаланилган. Сабаби, оҳанг ва қофия ўйинлари шеърий матннинг ажралмас қисми ҳисобланади. Товуш тақлид сўзларнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда муаллиф ўқувчида ўзгача таъсурот ва фикр уйғотади.

Насрий асарларда ҳам бу каби сўзларнинг бир қатор кўринишларини учратишимиз мумкин.

Ономатоплар ёрдамида жонли ёки жонсиз предметларнинг номини, гарчи ухали тилга олинмаган бўлсада, илғаб олиш мумкин. Айниқса, улар болалар тилида яққол кўзга ташланади. Унда болаларга тушунарли бўлиши учун предмет ёки жонзотлар хосил қилган товушлардан фойдаланилади. Масалан: ку-ку – куш, чиқ-чиқ – соат ва бошқалар [16, 22].

Бола нутқини ривожлантиришда редупликациядан фаол қўлланилади. Айниқса, энди гапиришни бошлаган болаларга катталар томонидан яратилган хис-ҳаяжонга бой содда тузилишга эга матнларни кўришимиз мумкин. Бундай нутқ турини тадқиқотчилар ғарбда *motherese* ва *child directed speech* каби номлар билан атайдилар. У жумла ва такрорларнинг тўғри қурилиши билан характерланади.

Редупликация болалар шеърларида қуйидаги кўринишга эга:

- Тўлиқ редупликация бўлиб, турли тизимли тилларга мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларидаги болалар тилида асосан товуш тақлидларини акс эттирувчи такрорлар мавжуд. Масалан, ҳам-ҳам – оақат, таом, кула-кула.

Инглиз тилида эса, *bye-bye* – уйқу маъносини англатувчи сўзлар киради.

- Қисман редупликацияга мансуб такрорлар атоқли отларнинг ҳарфлар ўзгариши билан хосил бўлган редупликатлар сифатида намоён бўлади. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: *Slipper-Slopper, Ipsey-Wipseey, Charley-Warlie* ва бошқалар [11, 59].

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида атоқли отларнинг такрорларини топиш ва уни инглиз тилида мавжуд бўлган исмлар танқидий редупликатларига қиёслаб ўрганиб бўлмайди. Бунга сабаб, ўзбек менталитети, яъни урф-одатлари ва аналарига кўра одамга хос бўлган исмларни танқид қилиш одоб қоидаларига зид ва бу эътирозларга сабаб бўлади, чунки ўзбек, шунингдек, турк тилларида исмлар маълум маъно англатади ва улар боланинг кейинги тақдирини белгилаб беради. Исмларда

ўша шахс эга бўлган сифатларини англатувчи сўзларни кўришимиз мумкин, аммо улар редупликация эмас.

Болалар тилида редупликациянинг афзалликларидан яна бири бу товуш талаффузларининг раволигига эришишдир. Сабаби, редупликатларда асосан бир-бирига мутаносиб бўлган ҳарфлар ва сўзлар ишлатилади. Уларни қўллаш табиийки, болага ҳарфларни ва бир-бирига ўхшаш бўлган сўзларни фарқлашга ёрдам беради.

Инглиз тилидаги лексик маънога эга бўлган икки компонентли редупликатлар унли ва ундош ҳарфлар ўзгариши ёрдамида ҳосил бўлади. Масалан, ting-tang, tick-tock, nidle-nodle, hokey-pokey, tee-wee ва бошқалар [27, 67].

Бундан ташқари инглиз тилида уч компонентли редупликатлар ҳам аҳамиятга молик бўлиб, улар асосан, редупликат мазмунини кучайтириш мақсадида қўлланилади. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб олишимиз мумкин:

Shin, shinny shank

Knick, knack, paddy whack [11, 98].

III ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚДА РЕДУПЛИКАЦИЯНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Сўзлашув нутқида редупликациянинг стилистик томони.

Ҳозирги кунда редупликация муаммоси жуда долзарб. У нафақат тарихда, балки хорижий тилшуносликда ҳам баҳс-мунозараларнинг марказини эгалламоқда. Редупликация мавзуси тахлили ва муҳокамасига олимларнинг кўплаб тахлиллари далил бўла олсада, бироқ редупликация тушунчасининг тилдаги ўрни ва вазифаларига хали ҳам аниқ изоҳ мавжуд эмас. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, редкпликация инглиз ва ўзбек тилларида фаолликка эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича, редупликация тилнинг норасмий шаклида, яъни шева ва болалар тилида қўлланилади. Болалар ва шевадаги сўзларнинг чегарасини англаб етиш қийин. Сабаби улар жамоатчилик муомаласидаги нутқ шаклига қоришиб кетади. Шевада хосил бўлган сўзлар вақт ўтиши билан фаол нутқ тури лексикасидан жой эгаллайди. Масалан, rooh-rooh, hush-push, fifty-fifty, tip-top, ping-pong [30, 165].

Ушбу бобда редупликациянинг лингвостилистик ва прагматик жиҳатларини тилшунос олимларининг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда ўрганамиз. шуни эслатиб ўтишимиз керакки, редупликация инглиз ва ўзбек тиллари доирасида аниқ тахлилга эга эмас. Маълумки, редупликация тилнинг бирча сохаларида мавжуд ва бу уни стилистик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Стилистика лингвостилистика а адабий стилистика каби турларга бўлинади, бироқ улар бир-бирини тўлдириб келади.

Линвастилистика тилнинг барча сохаларидаги умумий нормаларни, уларнинг эмоционаллигини ўрганади.

Адабий стилистика эса, бадий адабиётлар, уларда қўлланилган услублар, муаллиф йўналишлари ва бошқа адабий жанрларни тахлил қилади. Стилистиканинг тадқиқотдаги асосий вазифаси редупликациянинг нутқда,

адабий матнларда ва бошқа барча соҳаларда тутган ўрни, вазифалари, моҳияти, қўлланиши тартибларини ёритишдан иборат.

Прагматика тингловчини узатилаётган ахборотни худди сўзловчи истаганидек қабул қилишига ундаш мақсади учун мос келадиган лисоний бирликларнинг коммуникацияда қўлланишини назарда тутди. Бу прагматика лисоний воситаларнинг шахслараро муносабатдаги, мулоқотдаги ролини аниқлаш билан шуғулланади, дейиш демакдир [18, 6].

Прагматик назария жумлалар маъносининг маълум муҳитда талаффузига биноан чегаралаш имконини яратади. У гап турлари структураси ҳақидаги таълимотдир. Прагматика инсон ҳаракатини тавсифлайди. У тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади [18, 10].

Шунга кўра, редупликация ҳодисаси инсонларнинг мулоқот жараёнларида, турли ёзишмаларда, бадиий жанрларда фикр эгасига ўз ғоясини тез, аниқ ва ҳис-туйғуга бой равишда етказишда ёрдам беради. Редупликациянинг ўзак, сўз ёки бир гап сифатида такрорланиши нутқ жараёнини бойитади ва таъсирчанлигини оширади. Редупликациянинг қўлланиш кўрсаткичлари анча юқори бўлиб, у нутқнинг барча тури ва жанрлари учун хосдир. Редупликациядан бадиий адабиётларда ҳам, оғзаки нутқда ҳам, илмий-назарий асарларда ҳам, расмий нутқда ҳам фойдаланилади. Баъзи бир тилларда у асосий сўз ясовчи ролини ўйнайди, нутқнинг барча табақаларини эгаллайди. У қадимги ва замонавий хиндий, классик кўринишдаги лотин замонавий роман тиллари, ўлик тил ҳисобланган готт тили, барча олмон тиллари, турк тиллари ва бошқаларда кенг тарқалган. Улар қаторига славян тилларини, узоқ шимол, Африка, Жанубий Америка ва шунга ўхшаш минтақа тилларини киритишимиз мумкин. Тадқиқотчилар редупликацияни деярли бир хил таърифлайдилар. Редупликациянинг стилистик томондан қўлланилиши барча тилларга хос. Бу ўринда

стилистикага такрорий сўзларнинг фонолгик(товушлар такрори), морфологик ва синтактик(такрорий сўз шакллари,гаплар ва бошқа) турлари хизмат қилади [35, 98].

Диологик нутқ мулоқотнинг асосий кўринишларидан биридир. Унда маълумотларнинг узлуксиз алмашинуви содир бўлади. Диологик нутқнинг ўзига хослиги бу қисқа ва содда тузилишга эгалигидир. Бунда гап тузилишининг нотўлиқ шакллари хосил бўлади. Ундаги бир ёки бир нечта гап бўлагининг иштирок этмаслиги оддий ҳолатдир. Диологик нутқда редупликацияга улкан вазифа юклатилади. Редупликация оддий сўзлар такрори сифатида кўринсада, бироқ у матннинг айтилаётган фикрнинг асосий мазмун-моҳиятини очиб беради. Шунингдек, редупликация мураккаб жумлалар хосил қилишда синтактик омил бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб диологик нутқда ишлатилувчи редуликатлар маълумот ташувчи вазифасини ўтайди [10, 92].

Ўзбек тилидаги редупликацияларни кузатадиган бўлсак, хусусан, халқ оғзаки ижодида такрорларнинг турли кўринишларининг гувоҳи бўламиз. Бу кўлланишлар оддий бўлсада, айтилаётган шеър, куйланаётган кўшиқ, мақол, топишмоқ ва бошқаларнинг таъсирчанлигини, экспрессивлигини, жўшқинлигини таъминлайди.

Ўзбек тили азалдан халқ оғзаки ижодига бой. У турли жанрларда ўз аксини топган. Масалан, “Тоҳир ва Зухра” достонидан парчани таҳлил қилиб кўрайлик.

Тоҳир сўзи:

Сув келар ахта-ахта

Сандигим темир тахта

Сендан бошўа ёр қилсам

Қон ютай лахта-лахта.

Бунда “ахта-ахта” ва “лахта-лахта” сўзлари редупликация ходисасини ўзида акс эттиряпти ва шеърга ўзгача безак кучайтирувчи мазмун бермоқда. Албатта, сўзлаётган қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, кечинмаларини,

ҳиссиётларини ва у турган муҳитни ҳамда қаҳрамоннинг бунга муносабатини редуликатлар кўмагида англаб оламиз.

Шунга ўхшаш мисолларни кузатайлик:

Узун-узун из кетди

Узун бўйли қиз кетди

Тошга тегди тарқ этди

Сирғалари ярқ этди.

Юқоридаги ушбу тўртлик топишмоқ бўлиб, унда иштирок этаётган редуликат изоҳни кучайтириш мақсадида ишлатиляпти. Гарчи унда такрорнинг аҳамияти кучли бўлмасда, лекин у тингловчи диққатини тортиш ва бир жойга жамлашига кўмаклашади.

Ана энди халқ оғзаки ижодидан катта қисмни эгаллаган кўшиқлар матнларидан бирига эътиборимизни қаратайлик. Биламизки, аксарият кўшиқлар халқимизнинг оддий турмуш тарзи, масалан, деҳқончилик фаолиятларида яратилган.

Хўп ҳайдаё хўп ҳайда, майдаё-майда,

Қалқон қулогим ҳайда, майдаё-майда.

Темир туюгим ҳайда, майдаё-майда,

Ҳирмоним қилгин майда, майдаё-майда.

Майда-майда май босар, майдаё-майда,

Майда сенга ярашар, майдаё-майда.

Сенинг қалин териларинг, майдаё-майда,

Этик қилса ярашар, майдаё-майда.

Юқоридаги мисолда “майда” сўзининг такрорланиши кўшиқнинг маълум бир ритмдагини ва эмоционаллигини таъминлабгина қолмасдан, матн таркибида икки хил вазифа бажаряпти. Биринчиси, тингловчига кўшиқ мазмунини ифодалаб келса, иккинчиси, ўз маъносидан чекинган ҳолда, шунчаки, кўшиққа қофия берувчи восита сифатида иштирок этмоқда. Биз бундай такрорлар ёрдамида куйловчининг асл мақсади ва унинг қай

даражада хис-туйғуга бойлигини англаб етамиз. Сўзларимизнинг далили сифатида куйидаги кўшиқдан парчага юзланайлик:

Болалилар бош бўлар, турей-турей

Боласизлар ёш бўлар, турей-турей.

Келар йили туққанинг, турей-турей,

Кўзингга йўлдош бўлар, турей-турей.

Бу каби такрорлар тўлиқ редуликатлар бўлиб, оддий усул билан хосил бўлган. Бундай такрорлар нафақат шеър ва кўшиқларда, балки мақолларда ҳам маълум вазифани бажаради:

Она юртинг омон бўлса

Ранги –рўйинг сомон бўлмас.

Агар ушбу мисолни стилистик жиҳатдан ёритадиган бўлсак, “ранги-рўй” такрорининг маънони юзага чиқарувчи восита сифатида қатнашганини гувоҳи бўламиз. Шунини ҳам айтиш жоизки, ўзбек тилида бундай сўзларредупликация эмас, балки жуфт ва такрорий сўзлар деб юритилади.

Юқорида жуфт сўз сифатида келган редуликатия инсоннинг биологик ранги эмас, унинг турмуш тарзи, соғлиги, туйғуларини назарда тутди. Маълумки, от сўз туркумига оид сўзлар редуликатияси кўпликни ифодалайди.

Редуликатларнинг кенг имкониятларидан бири бўлган кўп маънолилиқ ана шу мақолда ҳам ўз аксини топган.

Агар оддий турмуш тарзидаги мулоқот жараёнларини кузатсак, деярли барчасида редуликатлар иштирокини кўрамиз. Сабаби, улар инсонларга турли вазиятларда фикрларини ифода этишда фаол хизмат қилади. Мулоқотдаги редуликатларнинг бадий соҳадаги такрорлардан фарқи, улар оддий ва тушунарли ҳамда тезлиги билан ажралиб туради. бадий

Стилистик нуқтаи назаридан олиб қаралганда редуликатия йўли билан хосил бўлган сўзларининг деярли барчаси оғзаки нутққа тегишли. Масалан инглиз тилида: walkie-talkie, riff-raff ва бошқалар. Инглиз тилида, айниқса, америка вариантыда редуликатлар асосан содда тузилишга эга

бўлган гапларда учрайди [30, 43]. Тилшуносларнинг фикрича, бундай усулдаги сўзларнинг такрорланиши кўпроқ хазил, эркалаш ёки пичинг маъноларини беради. Редупликатлар сўзловчининг куруқ нутқ лексикасига стилистик бўёқ тақдим этади. Баъзи бир тилшунос олимлар бу турдаги сўз яшаш турини алоҳида ахамиятга молик қисм деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, вақт ўтган сари эскириб муомаладан чиққан сўзлар ҳам учраб туради. Уларнинг ўрнини эса янгилари эгаллайди. Айниқса редупликация янги сўзларни ҳосил қилишда фаол усулдир. Дарҳақиқат, болалар тилида редупликация матнни стилистик безаклвр билан бойитишда муҳим рол ўйнайди. Масалан, эртақларни олайлик. Улар доимо қайтарилиб турувчи сўзлар билан бошланади. “Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан”. Бундай ибтидо боланинг эътиборини тортишга, айтиладиган эртаққа диққатини жамлашга, қизиқтиришга хизмат қилади. Болалар шеърлятидаги редупликатлар уларнинг нутқида ижобий таъсир этади. Сабаби сўзлардаги ритмик мутаносибликлар шеър матнининг таъсирлилик даражасини оширади. Матнни тушунарлироқ, соддароқ қилиб кўрсатади [36, 176]. Турли тиллардаги Редупликация тузилмаси кўпинча товуш тақлиди билан боғлиқ. Улар ҳайвонлар, қушлар, нарса-буюмлар, табиат ходисалари, инсон хис-туйғулари ва бошқалар. Тилшунослар турли тиллардаги сўзлар такрориди товуш талаффузи, бўғин қайтарилиши ёки сўз маъносидидаги боғланишларда ажойиб ҳолатни кузатдилар. Масалан инглиз тилида *sl* ҳарфлари билан бошланадиган сўзлар салбий хиссиётларни англатади. *Slime, slither, slug* ва бошқалар. *F* билан бошланадиган сўзлар эса хато, ёлғон, фирибгарлик каби маъноларни билдиради. Масалан: *fallacy, fake, false, felony, forgery and others* [37, 59].

Қизиқарли ва кенг кўламли редупликация гуруҳига сўз туркумларига оид жуфтлашишлар киради. Айниқса бу от сўз туркумидир. Боиси, айти мулоқот чоғида ана шу сўз туркумидан кўпроқ фойдаланамиз ва фақат улар ҳаракат объектини кўрсатиб бера олади, атрофимизни ўраб турган оламдагит предметларни кўрсатади. От сўз туркумидаги редупликациялар катталар ва

болалар тилида атрофдаги нарсаларни янада осонроқ, тушунарлироқ тарзда баён этишга ёрдам беради. Масалан, chuff-chuff – поровоз овози.

Навбатдагисига сифат сўз туркумига кирувчилар ташкил этади. Бу бекиёс сўз туркуми нутқимизни янада бойитади ва гўзаллаштиради, жумлаларимизга аниқлик, бўёқдорлик ҳамда мазмун бағишлайди. У холатни баён этади, объектни аниқ тасвирлайди, ходисани изохлайди. Бундай сўз туркумидаги редуликатлар нутқ мазмунининг серқирралигига йўналтирилган десак ҳам бўлади [35, 88].

3.2. Бадиий матнда редупликациянинг стилистик томони.

Ҳар бир бадиий адабиёт ўқувчиси қаршисидаги матндан бирор мақсадга йўналтирилганини, янгиликни, муаллиф ғоясини тушунишга интилади. Ўз навбатида, муаллифлар ўз олдига ўқувчининг диққатини тортишни, унга бош ғоя ва янгиликни аниқ етказиб беришни мақсад қилиб кўяди. Бунинг учун уларга талайгина усуллар ва тартиблар мавжуд. Ана шундай усуллардан бири редупликациядир. У сўзловчининг ўз фикрларини шунчаки оддий сўзлар билан эмас, балки тингловчининг онгига кучлироқ таъсир этиш мақсадида гапирганида ўз-ўзидан хосил бўлади. худди шундай ёзма нутқда ҳам. Такрорланиш нафақат сўзлар орасидаги, балки гаплар орасидаги боғловчи вазифасини ҳам бажара олади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги редупликация тизимли характерга эга. Улар синтактик тузилиш кенглигига эга, матнни ташкиллаштира олади, фикрнинг маънога бой ва хистуйғуга тўлиқлигини таъминлайди. Уларнинг таъсир даражаси эса эгаллаган ўрни, кўлланиш услуби, тузилиши ва матн мазмунига боғлиқ [39, 50].

Турли жанрдаги матнларда иштирок этган редупликациянинг роли лигвистлар томонидан ўрганилди. Баъзиларининг фикрича, у аҳамиятга молик эмас ва асар матнида ҳеч қандай вазифа бажармайди. Бошқалари эса, такрорланиш тилнинг асосий функцияси, мулоқот воситаси, фикрни тингловчига тез етказишда қурол бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди. D. Tannen нинг фикрича, “repetition in spoken discourse allows a hearer to receive information at roughly the rate the speaker is producing it”, яъни такрорланиш тингловчига ахборотни сўзловчи томонидан қандай тезликда узатилган бўлса, шундай қабул қилишга ёрдам беради [36, 203].

Семантик такрорлар ёрқин стилистик услуб сифатида кучайтириш вазифасини бажаради. Матн такрори эса, фикрни ўстиради ва семантик бойитади. Редупликациянинг ёрдамида умумий фикрий уйғунлик пайдо бўлади. У муаллифга бир предметдан бошқасига ўтишда калит вазифасини ўтайди. Редупликация ўқувчининг асарнинг асосий қисмига диққатини жалб

килишдан ташқари бошқа ходиса билан ҳам боғлайди, бош даражадаги предмет ёки ходисадан иккинчи даражалиларга ҳам эътиборни қаратади. Такрорий сўзлар бошқа элементларнинг ёрқинроқ тасвири учун фон вазифасини бажаради. Уларнинг қўлланиши матндаги янгиликнинг қабул қилинишини осонлаштиради [7, 172]. Шундай қилиб, ўқувчининг нигоҳи аввало янгиликка қаратилади, қолганлари эса уни тушуниш учун ёрдамчи вазифасини бажаради. Матн тилнинг мураккаб белгиларидан биридир. Матннинг прагматик жиҳатларини ёритиш, яъни қахрамонларнинг рухий ҳолатини, ички кечинмаларини, хис-туйғуларини ёритишда ҳам редупликация майдонга чиқади. У персонажнинг нутқидаги асосий воситага айланади. Бадиий адабиётларда редупликатлар эстетик функцияларни бажаради. Бир-бирига тематик томондан яқин бўлган сўзлар такрори ўқувчига муаллифнинг эстетик қобилиятларини етказиб беради [11, 99].

Сўзларнинг ёки ибораларнинг стилистик такрори адабиётнинг барча жанрларида мавжуд. Бунга мисол қилиб Р. Киплингнинг асарларидан бирида келган қуйидаги ҳолатни оламиз.

But as soon as the Meriner, who was a man of infinite resource and sagacity, found himself truly inside cupboards, he stumped and he jumped and he thumped and he bumped, and he pranced and he danced, and he banged he changed, and he hit and he bit, and he leaped and he crept, and he prowled and he howled, and he dropped and he hopped, and he, and he cried and he sighed, and he crawled and he bawled, and he stepped, and he lepped, and ...

Ўзбек тилида редупликация барча жанрларда учрайди. Масалан назм ва прозаларда. Бундай такрорий сўзлардан Алишер Навоий жуда мохирона фойдаланган. Унинг ижодида редупликатларнинг икки турини кўрамиз. Улар одатий сўз такрори ҳамда назмий сўз такрори.

Қофияли редупликация назмий асарларда ўзининг янги қирраларини намоён этади. У сатрларни хис-туйғуга бойитади, ички кечинмалар оқимини яратади. Назмнинг ички қонунияти бўйича қофия пайдо бўлади, қофиялардан эса редупликатлар яралади. Редупликация нафақат назмий асарларда қофия

пайдо қила олади, балки наср кўринишидаги матнларда ҳам охангдор сўзларнинг қўлланиши ва бир ўзакли сўзларнинг маржондай тизилиши натижасида гаплар орасида ритм хосил бўлади. бадиий адабиётларда такрорий жумлалардан фойдаланилиши янги эстетик белгиларни келтириб чиқаради. Унга кўра ўқувчи матнни ўқиб аввало сўзларнинг биринчи маъносини хотирлайди, сўнгра эса, такрорланиш натижасида хосил бўлган янги маънони англашга ҳамда улар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни тушунишга ҳаракат қилади [10, 123]. Жумлалар такрори матннинг расмий ва мазмун тузилишидаги асосдир. Ички жумла такрори масофавий жойлашиб, гапларни бир-бирига тортади, маънони тўлдиради, хис-хаяжонни оширган ҳолда ходисаларнинг чўққи қисмига олиб боради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, редупликация маълум бир матннинггина эстетик шакли бўлиб қолмай, маданиятнинг серқирра ғояларининг хазинасидир. Такрорланувчи сўз ёхуд гап бирор мавзу ёки ғояни ўзида акс эттиради, сўнг ушбу мавзу ёки ғоя редупликация ёрдамида ўзининг рамзий мазмунига эга бўлади. У халқ оғзаки ижодига ҳам, турли давр адабиётларига ҳам бирдай ҳизмат қилади. Ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хос рамзий сўзлари ва иборлари мавжуд, уларнинг турли жанрлада редупликация ҳолатида қўлланилиши янада ёрқинроқ тасаввурга эга бўлишга ва сермахсул жихатларини очиб беришга кўмаклашади. Сўзлар редупликацияси сўзларга замонавий тус беради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда редупликациянинг қуйидаги стилистик хусусиятларини ажратишимиз мумкин, яъни улар:

- Аниқликни кучайтириш хусусияти;
- Ахборотни етказиш хусусияти;
- Воқеа-ходисанинг сермазмунлиги ва давомийлик хусусияти;
- Ўстириш хусусияти;
- Такрорланмас белгини ярата олиш хусусияти;
- Матнда қофия хосил қилиш хусусияти;
- Мазмунни тушунишга осон қила олиш хусусияти;

- Стилистик хис-туйғу бера олиш хусусияти [32, 71].

Демак, редупликация матн маъно тузилишидаги диққатни жалб этувчи, асосий ғояга олиб борувчи етакчи категориялардан биридир. Редуликатлар эмоционалликка, экспрессивликка бойлиги билан ажралиб туради, шунингдек, гаплар орасидаги муҳим боғловчи сифатида хизмат қилади. Баъзи бир тилшунос олимлар редкпликацияни назминг насрдан ажратиб турувчи рамзий белгиси деб хисоблайдилар [5, 17].

Гапнинг параллел тузилиши – бир хил таркибга эга гаплар кетма-кетлиги бўлиб, адабиётда риторик кучайтиришда, кўпинча шеърий асарларда қўлланилади.

Биз редупликациянинг ҳам назмий, ҳам насрий жанрлари учун хос бўлган турлари билан танишамиз. Синтактик стилистика томондан редупликацияни тахлил қилиш бирмунча чегараланган, сабаби, турли даражадаги белгилар такрорланади ва улар қандай белги такрорланишига қараб синфланади.

Синтактик редупликация анафора, эпифора, анадиплосис, полисиндетон кабиларга эга [17, 23].

1. Анафора – стилистик шакл бўлиб, бошланғич қисм (товушлар, сўзлар, синтактик ёки қофияли қисм), гапнинг маълум бир қисм(сўз, сатр, жумла)и такроридир. Назмда ҳам, насрда ҳам учрайди. Насрий анафора матнга ритм ва назмий кўриниш бағишлайди. Унинг вазифалари:
 - Айтилганларнинг қайсидир қисмининг эмоционал аҳамияти;
 - Воқеалар кетма-кетлигининг самарадорлиги;
 - Матн мазмуни чўққисининг яратилиши.

He shook his curls; he smiled and went easily through the seven motions for acquiring grace in your own room before an open window ten minutes each day.

He danced like a faun, he introduced manner and style and atmosphere

Perhaps he suffered, perhaps he hated, perhaps he loved by cruelty alone.

2. Эпифора – бир қанча жумлалардаги белгилар редупликацияси. У анафорадан бир қанча юқори даражали бўлиб, гаплардаги ўзига хос

такрорланиши билан насрий асарларни кофиялантиради. У куйидаг вазифаларни бажаради:

- Айтилганларга эмфатик урғу беради;
- Матн маъно чўққисини хосил қилади;
- Аниқлаштиради;

For Mrs. Carlson it had been years, for Linda it had been years.

Mrs. Smith was happier than he had been for some time...he was happier than he had been for some time.

3. Анадиплосис – сўз ва сўзлар гуруҳи такрори, гапнинг бирор қисми, кейинги гапнинг бошида такрорланади.

Now he understood. He understood many things.

Бу усул икки ғояни бир-бири билан боғлайди ва кофиядорликни оширади. Бундан ташқари хиазм деб номланувчи тури бўлиб, у икки бир-бирига параллел жумлалардан ташкил топган. Масалан, *all for one, one for all* [10, 45].

Бу усул ёрдамида кутилмаган тўхталиш қилиш натижасида, ажойиб иборага эга бўламиз. Хазил, мутойиба, сўз ўйини хосил бўлади.

“May I take so bald”, he said with a smile that was like a frown, and with a frown that was like a smile. (C. Dickens)

4. Полисиндетон – бир хил тузилишдаги гапларнинг такрорланиши.

And I want to eat at a table with my own silver and I want candles, and I want my own tea, and I want it to be strong and I want to brush my hair out in front a mirror and I want a kitty and I want some new clothes. (C. Dickens)

Полисиндетон бир гапдан иккинчи гапга ўтишни енгиллаштиради. Унинг асосий вазифаси бирлаштириш. Полисиндетон усулида асосан бадий ва нобадий адабиётлардаги энг фаол боғловчи **ва (and)** иштирок этади [14, 76].

Синтактик редупликация лексик редупликация билан боғланган. Унинг номини лексик-семантик редупликация деб аташ мумкин. У тўлиқ ва қисман такрорланади.

Тўлиқ лексик-синтактик редупликация ўзида синтактик параллеллик ва лексик такрорни акс эттиради. Гаплардаги бирликларни умумий ғоя бирлаштириб, сематик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзлар қатнашади. Улардаг параллеллик матнга аниқлик ва жўшқинлик бағишлайди. Масалан, *Those evening bells! Those evening bells!* (T. Moore)

Тўлиқ синтактик параллеллик лексик редупликация билан қуйидаги гап бўлакларида бирлаша олади:

1. Предикатив асоснинг такрори. Масалан, *What has my life been? Fag and grind, fag and grind. Turn the wheel, turn the wheel.* (Ch. Dickens). Бунда биринчи предикатив қисм бирор фактни гапирса, иккинчиси, уни кучайтириб беради. Бу тузилма редупликациянинг алоҳида турини ифодалайди. Редупликация бирликларнинг жуфтлашишидир, шу боисдан жуфтлаштиш тўлиқ бўлиши зарур. Биринчи белги иккинчисига баробар. Синтактик редупликация эмоционал ифодага эга. Унда ранг-баранг талаффуз мавжуд.
2. Эга такрори. Унда эга бир. Аммо кесим турличалиги кузатилади. Эга ўзида отни, шахсни, ноаниқликни, раддияни, олмошни ифодалаб келади. Масалан, *You have never turned the wrong to right, you have been a coward in the fight.* (Ch. Maskey) Эга такрори анафора характериға эга.
3. Феъл такрорида эга ўзгарувчан бўлади. масалан, *I love you and you love me.* Тез-тез ёрдамчи феъллар ҳам қўлланилади. [36,276с]

They were all three from Milan and one of them was to be a lawyer, and one of was to be a painter.

Юқоридаги мисолларга хос бўлган характер гапнинг иккинчи даражали бўлаклариға ҳам хосдир. Бунда редупликатлар тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол вазифасини бажаради. Муаллиф ушбу усул билан гапнинг семантик қийматини очиб беради. Тўлиқ лексик синтактик редупликация бир вақтнинг ўзида ҳам бош, ҳам иккинчи даражали бўлакларни эгаллай олади.

She was a good servant, she walked softly... she was a determined woman, she walked precisely. (G. Greene)

Is life vain, beauty vain, hope vain, happiness vain? (J. Galthworthy)

“I love your hills, and I love your dales. And I love your flocks bleating.” (J. Keats)

Нотўлик лексик-семантик редупликация сўз ёки гапларнинг бирор қисмининг такроридир. Параллеллик тузилиши ва синтактик хоссаларига кўра, уни бир қанча турларга бўлиш мумкин. Бундай редупликатлар гапда тарқоқ холда жойлашади [30,223].

Two years of married life... had added a little more decision to her quick lips, a little more allurements to her white-lidded, dark-lashed hazel eyes, a little more poise and swing to her carriage, a little more chest and hip measurement. (J. Gaksworthy)

Лексик-синтактик редупликация стилистик вазифани бажаради. У айтиладиган сўзни ажратади, аниқлаштиради, унга диққатни жамлайди. Лексик-синтактик редупликациянинг семантик хоссаси асосий ғояни белгилаб беради.

Лексик-синтактик редупликация “умумий ғоя” нинг акс эттирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

I wake up and I'm alone, and I walk round Warley and I'm alone, and I talk with people and I'm alone. (J. Braine) [32, 271].

Юқоридаги мисолда қаҳрамоннинг ёлғиз эканлиги, атрофдаги одамлар билан алоқаси узилиб қолганлиги баён этилмоқда. Гапда “умумий ғоя” alone лексик редупликат билан характерланмоқда. Эга такрорининг эпифора шаклидаги такрори гапнинг асосий мавзусини ажратмоқда. Бу мисоллар лексик- синтактик редупликациянинг семанти хоссасига далил сифатида келтирилди. Умумий ғоя ёки у билан ифодаланади, ёки гап таркибида албатта қатнашади.

Редупликациянинг қўлланилиши назмий асарларга кўпроқ хос экан, бизнинг амалий тадўҳқиқотимизни шеърий матнлардаги синтактик- стилистик редупликатларни таҳлил қилиш билан давом эттирайлик. Бадиий адабиётнинг шеърий йўналишида такрорланишларни энг кўп миллий халқ

кўшиқларида ишлатилади. Маълумки, халқ оғзаки ижоди редупликациядан жуда кенг кўламда фойдаланади, чунки у шеърни секинлаштиришга, кўшиқ табиатини беришга, ритм хосил қилишга ёрдам беради. Биз бундай редуликатларга инглиз ва ўзбек тилларида кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан ўзбек тилида:

*Суз хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин.*

Инглиз тилидагиси учун қуйидагини кўриб чиқайлик:

*My hearts in the highlands, my heart is not here,
My hearts in the Highlands, a chasing the deer.
Chasing the wild deer and following the roe,
My hearts in the highlands, wherever I go.*

Навбатдаги тўртлик синтактик стилистик редупликация учун мисол бўла олади.

*Living is the art of loving,
Loving is the art of caring.
Caring is the art of sharing,
Sharing is the art of living.*

Редупликациянинг бир қанча усули Шекспир асарларида ҳам ўз аксини топган. Улардан бирининг сўнгги қаторини такрорланмас шаклга келтиришда унинг ўрни беқиёс. Редупликация орқали муаллифнинг асосий мавзуси, яъни шафқатсиз ҳаёт, гўзалликни ўлмас эканлигини ифодаловчи шеърини мисралари юзага чиқади.

*So long as men can breathe or eyes can see
So long lives this and this gives life to thee. (W. Shakespeare)*

Ушбу икки қаторда бир қанча редупликация тури мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

- 1) Иборалар такрори: so long...so long, бу анафорик редупликация бўлиб, унда такрорланувчи сўзлар қатори сатрлар бошида намоён бўлади.

- 2) Синтактик параллеллик – параллел қисмлар, *men can breathe, eyes can see*, буларда синтактик тузилиш бир хил.
- 3) Хиазм бўлиб, *lives this and this gives* ни мисол қилиб оламиз.
- 4) Бу мисолда хиазм учун мураккаброқ ҳолат ҳам кузатилиб, *this...this* сўзлари билан анадиплосис ҳосил бўлади [36, 90].

Демак, Шекспирнинг икки мисра шеъри бизга бир қанча турдаги редуликатларга умумий мисол бўлди.

Бошқа мисол эса, синтактик редуликациянинг назмий матнлардаги ритмик вазифа бажариш хусусиятини ёритишга ёрдам беради. Масалан, Томас Гуднинг “*The Song of the Shirt*” асарида редуликатлар бутун бир шеърнинг қофияси сифатида келади.

Work – work – work!

Till the brain begins to swim!

Work – work – work!

Till the eyes are heavy and dim!

Seam, and gusset, and band,

Band and gusset, and seam, -

Till over the buttons I fall asleep,

And sew them on in a dream! (T. Hood)

Толиқтирувчи бир хиллик ва зерикарли ҳаёт турли воситалар ёрдамида ёзилган. Албатта, биринчи эътибор *till the brain begins to swim* ва *till the eyes are heavy and dim* гатушади. Лекин бу билан меҳнатдаги толиқиш ифодаси кузатилмайди. Улар *work and seam, and gusset, and band* сўзларида кўринади [10, 100].

Баъзида редуликация шеърлардаги бир режадан иккинчисига ўтиш тезлигини юмшатиб берувчи сифатида майдонга чиқади. Масалан, Байроннинг ижодидан ўрин олган “*Don Juan*” асаридаги қисқа ҳолатни олайлик. Унда *andthen* юмшатувчи ўтиш вазифасини ўтайди:

For then their eloquence grows quite profuse:

And when at length they are out of breath, they sigh,

And cast their languid eyes down, and let loose

A tear or two, and then we make it up:

And then - and then – and then – sit down and sup.

Шундай қилиб, инглиззабон тилида ҳам шеърий асарларида редупликациянинг фаол қўлланилишининг гувоҳи бўлдик. Энди эса, синтактик такрорнинг наср шаклидаг матнларда стилистик вазифаларин тахлил қиламиз [32, 98].

- 1) Аниқликни кучайтириш вазифаси
- 2) Ахборот узатилиши кетма-кетлиги вазифаси
- 3) Баённинг серқирралилиги ва ҳаракатнинг давомийлиги
- 4) Ўсиш вазифаси
- 5) Сўзларнинг қайтарилмаслик вазифаси
- 6) Матнда қофия яратиш вазифаси.
- 7) Тавтология орқали матнга аниқлик киритиш вазифаси
- 8) Сўзлашув нутқининг стилистик тузилиши вазифаси

Келинг, уларнинг ҳар бирини изоҳайлик.

- 1) Аниқликни кучайтириш вазифаси редупликациянинг умумий таърифидир.

Унга ҳар қандай синтактик такрор мисол бўла олади. Кучайтириш вазифасини бажарувчи редупликатлар анча содда бўлиб, улар бирга жойлашади.

You cannot, sir, take from me anything I will more willingly part withal except my life, except my life, except my life. (W. Shakespeare)

Такрорланиш анафора ҳолатида бўлганда, таъсир кучига эга бўлган сўзлар бошида келади [33, 34]

“I knew it, Dempsey,” she said, as her eyes grew dull even in their tears. “I knew he was Guinea”. (D. Henry)

For that was it! Ignorant of the long and stealthy march of passion, and of the state to which it had reduced Fleur; ignorant of how Soames had watched her, seen that beloved young part of his very self fair, reach the edge of things and

stand there balancing; ignorant of Fleurs reckless desperation beneath that falling picture, and her fathers knowledge there of – ignorant of all this everybody felt aggrieved. (J. Galthworthy)

Анафора редупликацияси мураккаб тузилишга эга бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун бир хил гап бўлаклариди:

Justice waited behind a wooden counter in a high stool; it wore a heavy moustache; it was kindly and had six children... (G. Greene)

Кейинги мисолда Чарлз Диккенсинг “Bleak House” романидаги редупликация ходисасида эпифорани кўришимиз мумкин:

I am exactly the man to be placed in a superior position, in a such a case as that. I am above the rest mankind, in such a case as that. I can act with philosophy, in such a case as that. (Ch. Dickens)

Унинг аҳамиятли томони эътирофни кучайтириш, яъни аниқ ҳолатга урғу берилади [32, 56].

Куйидаги келтириладиган мисолларда хиазм ва анадиплосис ҳолатларига мисоллар келтирилади.

Ask not what the country can do for you, ask what you can do for the country. (proverb) – Ватан менга нима бера олади деб сўрама, мен Ватанга нима бера оламан деб ўзингдан сўра.

Бунда биргина қайтарилувчи кучлироқ элементга эътибор қаратилади. Кейинги мисолда эса, айтиладиган гаплар орасида мантиқий боғланиш ҳосил бўлади:

...in the days of old men made the manners; manners now make men. (G. Byron).Авваллари одоб қоидаларини инсонлар яряатар эди, ҳозир эса, инсонларни одоб қоидалари яратмоқда.

If you live in an atmosphere of luxury is yours whether your money pays for it, or anothers (O. Henry).Агар сиз ҳашамдорлик оламида яшаётган бўлсангиз, ҳашамдорлик сизники, унга ҳақ тўлашингиз ёки бошқа бирортаси тўлашининг аҳамияти йўқ.

Freeman and slave carried on an uninterrupted, now hidden, now open fight, a fight that each time ended, either in a revolutionary re-constitution of society at large, or in the common ruin of the contending classes (K. Marx). Озод ва қул тўхтовсиз, яширин ва аёвсиз кураш олиб борди, кураш ҳар сафар ёки мағлубияти билан якунланарди.

Бундай редупликация ёрдамида ифодалилик даражаси кучаяди ва *ситагманинг* калит маъноси ажралиб чиқади [10, 22].

It was the work of an architect whose dream was a new house perfectly old, and an old house perfectly new (J. Galsworthy). Бу - эскидек кўринадиган янги уйни ва янгидек кўринадиган эски уйни орзу қилган архитекторнинг меҳнати эди.

Баъзида бир жумла ичида бир қанча бўёқдорликни оширувчи редуликатлар берилади. Улар боғланган редуликатлар номини олган.

A smile would come into Mr. Pickwick's face: a smile extended into a laugh: the laugh into a roar, and the roar became general (Ch. Dickens) табассум жаноб Пиквикнинг юзида пайдо бўлади: табассум кулгуга, кулгу ўқиришига айланади, ўқириш умумийлашиб кетади.

Principles were pocket... pocket in the deep sense of that word, of course, self interest as a member of definite community. And now the devil wa the definite community, the English nation to exist, when all its land was going out of cultivation, and all its ships docks in danger of destruction by airplanes? (J. Galsworthy). Ҳамма қоидалар ҳамёнда эди... Сенинг фикрингча, ҳамён кенг маънолибўлиб, бир жамиятнинг аъзоси. Демак. Мазкур жамият инглиз халқи бўлиб, унинг ерлари қайта ишланганида, кемалари душман тайёралари остида вайрон қилинишидан хавфсираб турмаганида бор бўлар эди.

Never wonder. By means of addition, subtraction, multiplication and division, settle everything somehow, and never wonder (G. GREENE) Ҳеч ҳайрон бўлма. Кўйиши, айириши, кўпайтириши ва бўлиши амалларини ўз ўрнига қўйишига ҳаракат қил ва ҳеч қачон ҳайрон бўлма.

Бундай такрорланиш матнга ҳам мантиқий, ҳам мазмунли якун бағишлайди [35, 11].

No eye at all is better than an evil eye (Ch. Dickens) Ахмоқона кўздан кўра яхшироқ кўз йўқ.

Шакли ва характериға кўра бу мисол халқ мақолини эслатади.

Poor dolls dressmaker! How often so dragged down by hands that should have raised her up; how often so misdirected when losing her way on the eternal road and asking guidance! Poor, little dolls dressmaker! (Ch. Dickens). Бечора кўғирчоқ кийимлари чевари! Уни кўтариши керак бўлган кўллар, қанчалар пастга тортишди, йўлда тойиниб, ёрдам сўраб юрган кезларида, қанчалар унга нотўғри йўлни кўрсатишди! Бечора кўғирчоқ кийимлари чевари!

Бундай такрорланиш ўқувчининг эътиборини тортиш учун ишлатилади. Полисиндетоннинг мантикий кучайтириш билан бирга кўлланилиши матнга ўзгача қофия беради:

The Dog was wild, and the Horse wild, and the Cow was wild, and the Sheep was wild, and the Pig was wild, - as wild as wild could be (R. Kipling). Им ёввойи эди, от ёввойи эди, сизир ёввойи эди, қўй ёввойи эди, чўчқа ёввойи эди – қанча керак бўлса шунча ёввойи эди.

Куйида Чарлз Диккенсинг “Our Mutual Friend” асаридан парчада харакат номининг эпифора холатидаги такрори акс этади. Laughed сўзининг такрори боғланишни кучайтиради, образсиз тасвирланган сахнани яратишга хизмат қилади, ходисанинг вақтини аниқлайди:

At this time the two innocents, with their brains at that apparent danger, laughed, and Mrs. Hidgen laughed and the orphan laughed and then the visitors laughed (Ch. Dickens). Икки ҳаёти хатарда турган оми учун давр келди, кулишди, етим кулди ва Хиджен хоним кулди, мехмонлар ҳам кулишди.

Анафора кўпинча боғловчи, бирлаштирувчи вазифаларини бажаради, шунингдек, воқеалар кетма-кетлигини таъминлайди. Шундай навбатдаги мисолда ёзувчи редупликация ёрдамида ўз қахрамонининг тарқоқ ҳаёлини ва атрофдагитвазиятни ифода қилади [31, 12].

There stood Dick, gazing now at the green gown, now at the brown head-dress, now at the face, and now at the rapid pen in a state of stupid perplexity (Ch.

Dickens) у ерда бошида жигарранг қалпоқ, юзида фаромушлик билан, яшил тўлқинларга термулганча Дик турарди.

Fledgeby knocked and rang, and Fledgeby rang and knocked, but no one came (Ch. Dickens). – Фледжби тақиллатди ва сим қоқди, Фледжби сим қоқди ва тақиллатди, бироқ ҳеч ким чиқмади.(хиазм).

There are bathing and fiestas and bull fights and scandal. (O. Henry) – [бу ерда чўмилиши ҳам, фиеста ҳам, ихўкизлар жанги ҳам, жанжаллар ҳам бўлди]

Матнларда редупликация ходисанинг кўпқирралилиги ва давомийлигини ифодалайди. Бундай ҳолат сўз ёки сўз бирикмаси билан мустахкамланади. Масалан:

I sat working and working in a desperate manner, and I talked morning noon and night. (Ch. Dickens) Мен хорғин ишладим ва ишладим, туну кун гапирдим, гапирдим.

Бу ерда давомийлик *working* ва *talked* феъллари, *noon* ва *night* сўзлари ёрдамида ифодаланмоқда.

"What has my life been? Fag and grind, fag and grind. Turn the wheel, turn the wheel." (C. Dickens)

Бу ерда такрор товушдаги ва ҳаракатдаги бир хилликни акс эттирмоқда.

Редупликациянинг аҳамиятга молик вазифаларидан яна бири бу ўсишдир. Сўзларнинг ўсиши таъкидни кучайтиради ва матнга ўзгача куч беради. Бу вазифанинг юқорида биринчи бўлиб айтиб ўтилган вазифа билан бевосита боғлиқлиги бор. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, ўсишда хистуйғунинг секин-асталик билан юқорилашиши кузатилади [39, 87].

...I answer to all these questions – Quilp – Quilp, who deludes me into his infernal den, and takes a delight in looking on and chuckling while I scorch, and burn, and bruise, and maim myself – Quilp, who never once, no, never once, in all our communications together, has treated me, otherwise than as a dog – Quilp, whom I have always hated with my whole heart, but never so much as lately. (Ch. Dickens)
Мен сенинг барча саволларингга жавоб берман – Квилп, мени бу жаханнам

қаърига ташлаб, ўзинг эса, ёниб куйишимдан, азоблашимдан, ҳамда ўз-ўзимни ўрташимдан завқландинг ва хирингладинг – Квилп, шунча йиллик муносабатимизга қарамай, менга итга қилинадиган муомалани қилдинг – Квилп, мен ҳозиргидай юракдан нафратланмаганман.

Анафорик редуликат хисобланмиш, Квилп исми фикрга ўзгача кўриниш беради. Бундай такрорланиш талаффуз кўтарилишини, яъни товуш баландлигини катъий талаб этади [39, 44].

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, редупликация орқа ўринни эгаллайди ва ўз ўрнини такрорланмайдиган сўзларнинг кучайтирилишига ёрдам беради. Қуйидаги мисолда ҳам, редуликат ўз ўрнида келмайди:

I am attached for you. But I can't consent and I won't consent and I never did consent and I never will consent to be lost in you. (Dickens) Мен сизга боғланганман. Бироқ мен сизни деб ақлимни йўқотишга рози эмасман, рози бўлмаганман, кейин ҳам рози бўлмайман.

Ёки:

At last I hope you got your wishes realized – by your Boffins. You'll be rich enough – with your Boffins. You can have as much flirting as you like – at your Boffins. But you won't take me to your Boffins. I can tell you – you and your Boffins too! (Ch. Dickens) Ҳар эҳтимолга қарши мен умид қиламанки, ўша бўффинзинг билан орзуларинг албатта амалга ошади. Ўша Буффинзинг билан бадавлат бўласан. Бироқ Б уффинзинг олдига мени олиб боролмайсан. Буларни сенга ҳам, ўша Буффинзингга ҳам айта оламан.

Шундай редупликация турини ҳам қайд этиб ўтиш керакки, улар насрий асарларда иккинчи ўринни эгаллайди, лекин улар юқори даражали редуликатларни етаклаб келади. Бу вазифа ритмик бўлиб, худди шеърий матлардаги қофия такрорига ўхшаб, сўз, сўз бирикмаси, ёки бутун бошли гап қофияланиб келади [35, 90].

The tent is soaked and heavy, and it flops about, and tumbles down on you, and clings round your head, and makes you mad. (Ch. Dickens)

Полисиндетон қахрамоннинг ички рухий ҳолатини ва оғир меҳнатини тасвирлаб беради.

And the rain descended, and the floods came, and the winds blew, and beat upon the house... (O. Henry)

Такрорфақат стилистик мақсадлар учунгина эмас, ноаниқликни тарқатиш ва аниқлаштириш учун ҳам ишлатилади. Масалан, Чарлз Диккенс ижодидан намуна келтирайлик:

A causal observer, adds the secretary to whose notes we are indebted for the following account, f causal observer might have noticed nothing extraordinary in the bald head of Mr. Pickwick

Матнга ҳеч қандай қўшимча бермайдиган такрорлар тавтологияга тегишли бўлиб, улар мантиқий қисмини тўлдиради [20, 78].

Редупликациянинг таъкид оҳангини ҳисобга олган ҳолда оғзаки эмоционал нутқда ҳам ҳослигини айтиб ўтишимиз жоиз. Маълумки, ҳис-ҳаяжонли гаплар, нафақат аниқликни оширади, балки уларнинг ўз меёрларини белгилаб беради. Масалан:

“By the lord,” he suddenly cried, “you’re pale. You – you, Hilma, do you fill well?”

Ёки:

“No”, said Hilma, at length. “I – I – I can say it for myself. I - ”. all at once she turned to him and put her arms around his neck.

Бу олмош такрори таъкидни кучайтириш учун эмас, балки сўзловчининг ички кечинмаларини тингловчига етказиб бериш вазифасини бажаради.

Mrs. Conant paused, with streaming eyes. “I must, I must see him once before I go,” she murmured in anguish. (O. Henry)

Юқоридаги гапда must модал феъли таъкидни кучайтириш учун эмас, балки қахрамон сўзларининг характеристикасини ёритиш учун хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, назмий асарлардан фарқли ўлароқ, насрда синтактик редупликациянинг ўрни беқиёс.

Катталар тилида редупликация сўзлашувда, рўзномадаги мақолаларда, халқ оғзаки ижодида учрайди. Бундан ташқари асарлар, романлар, новеллаларда такрорий сўзларнинг бир қанча турларини кўрамиз. Масалан, синонимли такрорий сўзлар асарлардаги фикрларни секинлаштиради, қаҳрамонларнинг ички ҳолатини тасвирлайди [8, 89].

3.3. Редупликациянинг прагматик жиҳатлари.

Кенг кўламли редупликациянинг прагматик моҳияти шундан иборатки, такрорланаётган компонентнинг мазмун ифодасини кучайтиришдан иборат. Бир хил мазмунни келтириш билан редупликация кўшимча киритади ва асосий таркибни мустахкамлайди. Шунингдек, бир феноменани турли кўринишга келтириб, синонимлаштириб, жумлага ўзгача экспрессивлик беради [40, 55]. Масалан:

The caller reported to people were dead and a third was seriously injured, but the call then dropped out and police were unable to contact the pilot on his satellite phone.

It has been confirmed that to people on the light aircraft have not survived.

Шу билан бирга тадқиқот жараёнида турли тил оилаларига мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги тил материалларининг мантикий тахлиliga ҳам тўхталиб ўтамиз. Биз бу тахлилда экспрессив жараёнларнинг кайфияти ва долзарблигини яратишда редупликациянинг эгаллаган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунда матннинг ўқувчига таъсири, муаллиф ва таржимон маҳоратини белгилаб ўтамиз. Шеъринг асарларда муаллиф қўллаши мумкин бўлган энг кучли метод бу редупликациядир. Унинг тўлиқ бўлиши ўқувчининг чет тилида ёзилган матннинг тушунарли бўлишига, услубини ўрганишига ёрдам беради [5, 79].

Таълим йўналишидаги боғланишларда, яъни илмий асарларда ўқувчи эътибори янада жалб қилинади. Бундай материаллар таржимондан алоҳида маҳорат талаб этади. Баъзи бир тилшунослар редупликацияни синтаксиснинг бир кўриниши сифатида таърифласа, бошқалари ўқувчига таъсир этувчи восита сифатида тахлил қиладилар [25, 107].

Лексик такрор – бу диалогик нутқда пайдо бўладиган, лексик-синтактик бирликларнинг аниқ структурал бадиийликда такрорланишидир. Шеъринг матнларда бутун бир гап боши ва охирида такрорланиши мумкин. Унинг матн ҳосил қилувчи бу хусусияти ўзгача мазмун, экспрессивлик

беради, матннинг қолган қисми уни кенгайтиради. Такрорнинг турли кўринишлари орасида лексик такрорга эътибор қаратилади. У структурал эмас, кўпроқ экспрессив-кўрсатувчи вазифасини бажаради. У калит сўзни ажратиб кўрсатади.диққатни жамлайди. Аниқ фикрни ифодалайди. Такрор матндаги образлар ва ходисаларни долзаблаштиради. Такрорланишлар доимий ҳаракат маъносини яратади. Гапда мустақил вазифа бажарувчиларгина эмас, балки ёрдамчи вазифасини ўтовчилар ҳам такрорланадилар. Такрорланувчи сўзларнинг кетма-кетлиги матнда ажойиб кўринишга эга бўлади ва ўқувчи эътиборини жалб этади. Редупликациянинг синтаксисда қўлланиши ижобий ёки салбий реакцияларни билдиришни, хис-ҳаяжонни тутиб туриш ва давом эттиришни, аниқлаштиришни, ўз фикрларини равон гапиришни ўз ичига олади [5, 67].

Такрор ахборот қабул қилиш белгиси ўз қонуниятига эга. Мулоқот жараёнини тасдиқлайди, турли жараёнларни ўз ичига олади. Масалан, телефон орқали ёки йўл-йўлакай мулоқотлар. Такрорланиш тингловчига маълумотни тўлиқ етказишга ёрдам беради.

Редупликация – диққат-эътибор белгиси. Сухбатдошларнинг бир-бирининг гапларига қизиқишларини ифодалаш учун хизмат қилади. Тил ўйинларида ва хазилларда қўлланилади ҳамда улар одамларнинг кайфиятларини кўтариш учун ишлатилади.

Редупликация – розилик, тасдиқлаш аломати ҳамдир. Бунда тингловчининг сўзловчи билдираётган фикрларга розилиги, у билан ҳамфикрлиги ҳолатларида юзага келади.

Редупликация – мулоқотдаги қийинчиликларни кўрсатувчи восита. Бу ўзига хос ажралиб турувчи ходиса, сабаби, у янгилик олиш ёки узатишда вужудга келган қийинчиликда қўлланилади. Бунда бирор маълумотларнинг ҳақиқийлигига амин бўлиш учун такрорланади. Бундан ташқари берилган маълумот кутилган ахборотга тўғри келмаганда такрорланади. Гоҳида редупликация мулоқот жараёнидаги мавзунини ўзгартиришга ҳам хизмат қилади. Редупликация мулоқотнинг муҳим омили сифатида фикрни

жамлашга ёрдам беради.[5, 33] Эмоционаллик вазифасига кўра шуларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ишонч хосил қилиш;
- Ажратиб кўрсатиш;
- Фахр туйғуси.

Тадқиқот жараёнида ишончсизлик туйғуларини ифодалашда ишлатиладиган такрорлар ҳам ажратилди [23, 66].

Ўрганилган сўзлашув вазиятларидаги хосил бўладиган редуликатлар аксарият холларда аёллар нутқида пайдо бўлади.

Асосий сўзлашув жараёнлари диолог тарзида амалга ошади. Жумлаларга диологда иштирок этувчи шахсларнинг расмий ёки норасмий тилда сўзлашиши таъсир этади. Психоллингвистларнинг кузатувларига кўра мулоқот иштирокчилари ўзлари билиб билмаган холда маълум тизимда сўзлашадилар. Такрорлар бу тизимда етакчи ролни ўйнайди. Реал вазиятда одамларнинг ўзаро сўзлашувлари эркиндир. Шунга кўра сўзлар ва гаплар сўзловчининг истакларига кўра ишлатилади. Такрорлар ҳам мустақил равишда ясалади ва фойдаланилади. Бунда редупликация сўзловчининг тингловчига фикрларини ўзи тасаввур қилгандек етказишига ёрдам беради. Мисолларда кўриб чиқайлик [10, 94].

They say no no no no no no no no no no, help blind baby, poor little girl help help both, trampled no no, no where my daughter, no help for blind babies poor little girls I am glad I bit Mr. Astley.

The cartridges went chink-chink-chink.

...Nurse, please, please, please, please call me Rebecca.

Come on. Come on. Come on. Come on. Come on, Eidothea urged: "In the horses woody bowel we groaned and grunt... Why do you weep?"

She ought to do something but she could not. There was no fight left. I won't close my eyes.

I would instruct Sir Chris. In what had passed, still glowing with Rage and Indignation, and he would say Poh! Poh! All will be well, all will be well. (J. K. Jerome)

Ташқи кўринишидан редупликация содда кўринишга эга бўлсада, стилистик кучга эга.

Without that spinning mill, as everybody in Braddle knew, for it was there that everybody in Braddle worked – the heart of Braddle would cease to beat.

Алфред Конпернинг асаридан келтирилган бу парчада Braddle деб номланувчи шаҳарча номи ўн саккиз марта такрорланади. Бу такрорланиш матнга ўзгача қофия беради.

Бредл шаҳарчасининг аҳолиси ўша ердаги фабрикада қўли қўлига тегмай меҳнат қиладилар, бу фабрика уларнинг ягона даромад манбаи бўлиб, агар у ишлашдан тўхтагудай бўлса, унда шаҳарчадаги ҳаёт ҳам тугайдигандек эди. Фабрика ҳамма вақт шаҳарчининг юраги ҳисобланган. Айнан такрор матнни балладага айлантиради. Ундаги қофиялилик матн тузилишидан келиб чиқади. Калит сўз шаҳарча номи. Бу номнинг маълум масофада тартибли қўлланилиши муаллиф фикри ва маҳоратини очиқ беради. Ундаги қарама-қаршиликлар, ягона зояни осонликча англаб етиш мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган бадий адабиётлар, кундалик оғзаки нутқ, илмий асарлар ва бошқа муловот турларидан ташқари оммавий матнлар ҳам мавжуд бўлиб, ахборот етказувчи, тезкор ва оммабоб матнлардир. Уларнинг бу хусусиятларини таъминлаш учун турли услублар ва методлардан фойдаланилади. Редупликация ана шу матнларни бойитиш учун муҳим омиллардан биридир. Бунда редупликациянинг турли кўринишлари қўлланилади [36, 95].

Редупликация остида биз иккинчи семантик тузилишга эга бўлган мазмунни тушуниб оламиз. Бунда такрор оддий ёки мураккаб ҳолда келиши мумкин. Мисол сифатида “Time” журналидаги жумлани кўриб чиқайлик.

Richard Cook took the stage at the celebratory press conference that followed: “Seriously, was that cool or what? It was cool indeed”.

Бу мисолда “It was cool” ҳеч қандай ахборот бермайди. У “Was that cool or what?” риторик саволини тўлдириб келади. У бир диктемага тегишли. Матндаги редупликация прагматик жиҳатдан экспрессивлик ва аниқликка эга. Бунда риторик савол ва жавоб ўрнида сўнгида ишлатилган “indeed” сўзи тил унсурлари сифатида қўлланилмоқда.

Шунга ўхшаш мисоллардан яна бирини келтирамиз:

The impulse to treat curiosity almost like a human astronaut is hard to resist. The rover gets ready to wake up for its first day in a new place. The rover’s day ends on Mars around 3 or 4p.m. the rover tells us what she did today, and that... lets up plan her day tomorrow. [Time, august 20,2012]

Бу мисолда “the rover” кўринишидаги бир диктемага тегишли бўлган редупликациянинг тўртта турда ишлатилганини кўрамиз. “Rover” сўзининг барчаси от сўз туркумига тегишли ва уларга аниқ бир маълумот юклатилган. Редупликациянинг ишлатилиши ўрни кучли таъсирга эга. Бундан ташқари “she, it, her” каби олмошлардан моҳирона фойдаланилапти [39, 77].

Оммавий матнларда нисбий такрорлардан ҳам қўлланилади. Унинг ёрдамида матндаги олға сурилган фикр ёки ғоя янада кучайтирилади. Нисбий такрор оддий редупликация билан бирлашиб аниқликка эга бўлади. Бунда муаллиф диққатни жалб қилётган белгини редупликация ёрдамида ажратиб кўрсатиб, антонимлар ёки синонимлар ёрдамида изоҳлайди ва фикрнинг таъкиди экспрессивлигига эришади. Масалан:

Thirteen people had been executed in eastern Syria, that with their hands bound behind their faces. ...Anti-government activists said that those victims – the 13 slain people who were electricity workers – were killed by shelling from military forces. [IGT, May 31,2012]

Бунда оддий такрор “thirteen people” ва “13 slain people” бўлса, нисбий такрор “had been executed” ва “were killed” биргалашиб, матнга ўзгача кўриниш ва мазмун тақдим этади. Бунда муаллиф фожеали ҳолатнинг таъсир

доирасини кучайтириш учун матннинг турли жойларида такрорларни қўллаш билан маълумотни ёритмоқда. Бу ерда редуликатни кенгайтирувчи жумла “about some of the most important problems” ҳам мавжуд. У матнга кинояли мазмун беради [17, 122].

Редуликация айтилган сўзни янада теранлаштиради. Редуликатлар ифодалаган фикрлар кучли ҳаяжон, нафрат, хайрат, қувонч ва шунга ўхшаш туйғуларни англата олади. У мулоқот воситаси сифатида сўзловчининг тингловчига фикрларини ўзи ўйлаганидек етказиб беришида муҳим омилдир. Агар муҳит шовқинли бўлган ҳолда такрорлар сўзларни тингловчига етказиб бера олади. Британиялик тилшунос Д. Таннен бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, редуликация ёрдамида сўзловчи тингловчига тезроқ фикрларини билдиради, шунинг баробарида, кейингиларини режалаштиради [30, 39].

Тахлиллардан шундай хулосага келиш мумкин. Редуликация тилнинг барча соҳаларига кириб борган. Оғзаки нутқдаги иштироки суҳбатнинг мазмундорлигини, ҳис-туйғуга бойлигини таъминласа, адабий жанрларда муаллиф учун ўқувчи эътиборини тортиш учун асосий омил бўлиб ҳизмат қилади. Сўзларимизнинг исботи сифатида юқорида бадиий асарлар, халқ оғзаки ижодидан намуналар, парчалар келтирдик. Кўриниб турганидек, редуликация айтилаётган фикрга аниқлик киритади, тезлигини, экспрессивлигини, таъсирчанлигини оширади. У муаллифнинг олға сурган ғоясини юзага чиқарувчи қурол сифатида намоён бўлади. Редуликация фикрларни боғловчи, матн мазмунидаги авж қисмини етакчиси бўлиб ҳизмат қилади [31, 56].

ХУЛОСА

Амалий маълумотларнинг асосларини кўриб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Сўз яшаш тизимини қиёслаш турли мақсадларга йўналтирилган. Бир томондан сўз яшашни ўрганиш қиёсланаётган тилларда янги лексик бирликларнинг умумий типологик тамойилларини ишлаб чиқиш учун кўзда тутилди. Биринчиси лексик ёндошиш, иккинчиси, лексик-грамматик ёндошиш.

Редупликация усули билан ҳосил бўлган сўзлар ўзбек ва инглиз тилларидаги ички тузилишларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилди. Редупликация сўз яшаш усули сифатида икки қиёсланаётган тил учун характерлидир. Семантик хулосалар редупликация аниқлаган умумий категорияли мазмундан келиб чиқди.

Эришиладиган натижалар инглиз ва ўзбек тили редупликацияси учун икки тил луғатини яратишда асос бўлиб хизмат қилди.

Биз бу магистрлик диссертацияси ишида редупликациянинг грамматик, лексик, стилистик ҳамда прагматик жиҳатларини тадқиқ қилдик. Редупликация турли тилларда умумийлик хусусиятига эга. У нутқ жараёнида ўзгача аҳамиятли бўлиб, сўзловчининг фикрларини тингловчига тез ва эмоционал тарзда етказиб беришда муҳим омил ҳисобланади. Редупликациянинг асосий тамойилларидан бири, фикр ва матн мазмунини бойитиб, тўлдириб келишидир. Стилистик жиҳатдан редупликация ҳам назмий, ҳам насрий матнларга хос. Назмда унинг вазифаси қофиялаш бўлса, насрда эмоционал экспрессивлик, ўсиш, мулоқот жараёнидаги ҳолатдир. Тадқиқот жараёнида шунинг ҳам гувоҳи бўлдикки, у ҳеч қайси нутқ турида чегараланмайди, фақат сўзловчи ёки муаллифнинг маҳорати ва қай йўсинда фойдаланишига боғлиқ.

Тил учун редупликация муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бадиий адабиётда у кучайтирувчи, аниқлаштирувчи, таъкидловчи, сўзловчининг ички кечинмаларини очиқ берувчи вазифаларини бажаради. Синтактик

редупликациянинг анафора, эпифора, хиазм, анадиплосис, полисиндетон ва синтактик параллелизм каби кўринишлари мавжуд. Редупликация гаплардаги муомала воситаси сифатида, диққатни айтилган фикрнинг бир сўзига ёки бутун бошли гапга қаратади. Синтактик редупликация стилистик восита сифатида, хис-туйғуларни баён этувчи сифатида қаралади. Гаплар буйруқ, илтимос, таклиф, хис-хаяжон ва бошқа кўринишда бўлиши мумкин. Хис-хаяжон гаплар ўзгача характерланади. Тадқиқот натижаларига кўра, редупликациянинг стилистик вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

- Таъкидни кучайтириш;
- Ахборот етказиб беришнинг тартиблилиги;
- Фикрнинг серқирралилиги ва давомийлиги;
- Ўсиш вазифаси;
- Такрорланмайдиган элементни ажратиб кўрсатиш вазифаси;
- Матнга қофия бериш вазифаси;
- Матнга аниқлик киритиши;
- Оғзаки эмоционал мулоқотга стилистик қиёфа бериши.

Бадиий асарларда такрорларнинг қўлланиши турли хил сабабларга кўра амалга ошади. Уларнинг қуйидаги функцияларни бажариши аниқланди:

- 1) Матн ҳосил қилувчи, композицион, боғловчи, структурал функциялар, бу ҳолатларда редупликатлар матн таркибида фақат боғловчи бўлибгина қолмай, серфикрликни ва турли томондан ёндошишни таъминлайди.
- 2) Мазмун берувчи ёки семантик, тасвирловчи функциялар. Бунда бир хилликдан қочиш учун муаллиф турли жумлалардан фойдаланади. Шу билан бирмунча аниқликлар киритилади. Редупликация айтиладиган сўзга урғу беради ва унда диққатни жамлайди.
- 3) Оҳанг-қофия берувчилик функцияси. Матн оҳангини тушириб ёки кўтариб, оғзаки, мулоқотдаги, китобдаги, лекторнинг нутқидаги ва бошқалардаги ритмни таъминлайди.

4) Эмоционал-экспрессив, экспрессив-стилистик, кучайтирувчи функциялари. Бунда такрорланувчи элементлар лексик мазмунга боғлиқ бўлиб, турли стилистик жараёнларни яратади.

Такрорланувчилар, шу жумладан редупликация матн таркибида чексиз имкониятларга эга. Матндаги такрорий сўз муҳим аҳамият касб этади. Унинг бир мақсадга йўналтирилганини ҳеч қайси тилшунос инкор этмайди. Редупликация остида шахс, предмет, сифат, ҳаракат яширинган бўлади. Баъзи тилшунослар фикрича, у матн таркибини ташкил этувчи асосий қисм бўлиб, ядро сифатида таърифлайдилар. Редупликацияда гапдаги ҳар қандай гап бўлаги қатнашиши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, редуликатлар матнда кучайтириш, тезлатиш, секинлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш вазифаларни бажариши тадқиқот жараёнида ўз исботини топди.

Редупликацияни таснифлаш жараёнида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бир томондан у матннинг бир бўлаги сифатида матндаги боғланишлар такрорланишлар ёрдамида амалга ошади ва поғоналаниб боради. Бошқа томондан матннинг тўлиқлигини таъминлайди. Тилшуносларнинг фикрича, тилнинг бой синонимияси, содда гаплар, сўзлар, гапнинг алоҳида бир қисми, параллеликлар матнда муҳим аҳамият касб этади.

Редупликация бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни бажаради, кучайтириш, ўсиш, матн ҳосил қилиш, қофия ҳосил қилиш, эмоционаллик ва бошқалар. Айрим тилшунослар асарлардаги такрорланишларни муаллифнинг маҳорати сифатида ўрганадилар. Сабаби у матнни мантиқий бир-бирига боғлайди. Редупликация барча тил даражаларида учрайди ва у матндаги боғланишларда асосий омил ҳисобланади. у фонга айланиб бошқа фикрларга ойдинлик киритади. Унинг ёрдамида ўқувчи фақат бир нарсага эътиборини қаратмай бошқаларини илғай бошлайди.

Редупликациянинг яна бир имкониятларидан бири бу – бир сўзнинг ўзи англатган маъносидан олиб чиқиб бошқа маъно бера олишидир. Унинг ёрдамида матн кўшимча экспрессивликка эга бўлади. Бу сўзларимизга

юқорида келтирилган парча мисол бўла олади. Редупликациянинг эмоционал-экспрессив ва белгиловчи функцияларига кўра, матнда фон ва рамзий маъно билдиради. Такрорлар тилнинг самарадор усули бўлиб, у мантиқан қабул қилиниб, кейинроқ оддий грамматик қуролга айланди. Унинг бошланғич нуқтасидан ҳаяжон ва туйғу билан биргаликда юқори босимга эришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – келажак пойдевори. Тошкент – 1997, - Б. 7.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод – келажак пойдевори. Тошкент – 1997, - Б. 12.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – 1997.
4. Таълим тўғрисидаги қонун – 1997.
5. Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. Л., 1966.
6. Грайс Г. П. Мантиқ ва мулоқот. Хориж тилшунослиги янгиллиги. Лингвистик прагматика. М, 1960.
7. Гальперин А.И. Очерки по стилистике английского языка. - М., 1981.
8. Гринберг Д. Квантитативный подход к морфологической языков. Новое в лингвистике. Вып. 3. - М.: Иностранной литературы, 1963.
9. Гусарова Н.Д. Вариативный лексический повтор в языке севернорусских былин: Автореф. дис... канд. филол. наук. Л., 1986.
10. Зарипова А. Анализ особенностей перевода повтора в художественных произведениях. Москва, 2013.
11. Ибрагимова Э. И. редупликация в английском языке. // филология и лингвистика в современном обществе: Материалы 111 международ. науч. конф. Москва, 2014.
12. Канонов А. Н. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, Ўзб. Фан, 1957.
13. Мамедов Н.Ш. Лексико-синтаксический параллелизм между частями сложного предложения: Автореф. дис. канд. филол. наук. - Баку, 1994.
14. Маркова И. Анафора и эпифора как виды лексического повтора. Автореферат. Казани - 2014
15. Фуломов А. Морфологияга кириш. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957.
16. Ҳожиев А. Ўзбек тилида жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент: Фан, 1963.
17. Павлова Т. А. “Лингвокультурологические характеристики коммуникативного пространства детской поэзии. Калининград 2011

18. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент - 2008
19. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи. Пер. с англ., М., -Л.; государственное-социально-экономическое изд-во. 1934.
20. Ball A. M. Compounding in the English Language, *ifo* 4, 1941.
21. Bolinger D. Z. Assonance and Morpheme: *Word*, 6(1950)
22. Cairstairs – McCarthy, Andrew (2002) *An Introduction to English Morphology*. Edinburgh University Press.
23. Eckhardt E. Heim und Stabreim im Dienste der Deuenglischen Voertbildung. "Englische Studien", *Haft*, 2, Leipzig, 1936.
24. Hallyday, M.A.K. and Colin Yallop (2004) *Lexicology. A Short. Introduction* London Continuum.
25. Harley Heidi (2006), *English words, A Linguistic Introduction*.
26. Horn. L. Economy and Redundancy in a Dualistic Model of National Language// S. dhone and M. vilkuna (eds) *Year book of the Linguistic Association of Finland*.
27. Jackson, Howard and Etienne Ze Amvela (2000) *Words Meaning and Vocabulary. An introduction to Modern English Lexicology*. London
28. Jackson Howard (2002) *Lexicography. An Introduction*. Routledge.
29. Jespersen Q. A. *Modern English Grammar on Historical Principles*. P VI, Morphology, London, Copenhagen, 1954.
30. Leech G and Short M. *Style in fiction: a linguistic guide to English fictional prose*, London: Longman, 1983.
31. Leech G. *Principles of Pragmatics*. London – N. Y. , 1983
32. London, Sydney (1984) *Dictionaries: The Art and Craft of Lexicography*. Cambridge University Press.
33. Marchand H. *the Categories and Types of Present Day English Word formation*. Wiesbaden. Matthews C.M. *English surnames*. London, 1966.
34. Pott. A. *doppeling (Reduplikation, Geminatio) al seines der wichtigsten Bildunstraittel der Sprachen, beleuchtet aus Spra? Chen aller Weltteile*, Lemgo und Detmold, 1862.

35. Soyinka Wole. Tradition and Vectors of Communication // Development issues. IIS, vol. 2002
36. Tannen D. Talking voices; Repetition, Dialogue and Imagery in conversational Discourse, Cambridge England, New York; Cambridge University Press/ 1989/.
37. Thomas J. Cross-cultural pragmatic failure.// Applied Linguistics v. 4 1983
38. Thun U. Reduplication. Words in English, Uppsala, 1963.
39. Weils K, A Dictionary of Stylistics, London, Longman, 1997.
40. Wundt W. Volkerpsychologie, Leipzig, 1911.

Бадий адабиётлар:

1. «Modern English Short Stories» Тўплам, М., 1961,-559с
2. «J. Galsworthy: новеллалар», М., «Правда», 1981,

Интернет манбалар

<http://www.literaturecollection.com/> - он-лайн инглиз тилидаги адабиётлар

<http://www.longmandictionariesonline.com>. – Longman Dictionary of Contemporary English

<http://www.oxforddictionaries.com>. – Oxford English Dictionary